

## Саккизинчи фасл. Султон Саидхон ибн Султон Ахмадхон ибн Султон Юнусхон хакида. Дастлабки йилларда унинг хаётида юз берган кийинчиликлар ва бахтсизликлар баёни

Хазрат Хокими мутлак ва Маликул мулк (Аллох) ўз факир бандаларидан бирортасига улуглик тожини кийгизишни маъкул топса ва бандаларининг тенглари ичидан энг муносибини ўз иноятн тўни бирла сарафроз килишни истаса, аввал уни роса синовларга солади, бошига мислсиз кийинчиликлару азоб-укубатларни ёгдиради. Яратганнинг ажиб донолиги мана шунда кўринадики, у ўша бандасини шу тахлит факиру мискинлар ахволи билан таништиради, бандаси ожизлар холига рахм-шафкат кўзи билан карасин деб, салтанат ва динни акл-фаросати ва зукколиги билан тартибда тутсин деб бўлажак ишлардан уни вокиф килади. Бундай синов жахон элининг фахри, мусулмон динининг нури шайхулислом Абдурахмон Жомийнинг «Силсилат аз-захаб» асарида Хазрат Вожибул Вужуд даргохининг якин дўсти Мусо алайхиссалом хакида шеърий йўл билан жуда яхши хикоя килиб берилган.

Назм:

Кунларнинг бирида Мусои Калим
Вафо манзилида ташларди одим.
Чўпонлик ишида кезарди хар ён,
Кўйлар хуркиб кетди шунда ногахон.
Бир кўзи сурувдан кетди айрилиб,
Чопарди ортига бокмай кайрилиб.
Мусо роса кувди кайтармок бўлиб,
Кўзи холдан тойиб, колди йикилиб.
Мусо уни тутиб, олдида чўкди,
Шафкат кўз ёшларин бетиним тўкди:
«Бундай хуркишингни боиси нима?
Елдай югуришнинг фойдаси нима?
Менинг таъкибимни мулохаза кил
Ўзим учун эмас, сен учун, билгил.
Агар ўз холингга кўйсам сени ман
Сендан мехрибонлик узган бўламан.
Хар бир конхўр бўри сени хар качон

Эртами ё кечми ейиши осон».
Кўзини кўтарди ўз елкасига
Кайтиб бориш учун эл подасига.
Эзилди, толикди у огир юкдан
Лекин ташламади уни елкадан.
Хушу нохушликда келар ташвишдан
Огиррок иш йўкдир юк кўтаришдан.
Шодлик саройида килсалар кабул,
Хисоб кунигача юк ташувчи бўл.
Хак таоло унинг чўпонлигида
Синади бехад мехирбонлигида
Деди малакларга: «Килингиз диккат
Бунчалик кўрсатган лутфу мархамат –
Унинг мартабасин юксалтиргуси,
Жахонда мухташам подшох бўлгуси.
Халойик бошига чин сарвар бўлар,
Бу эзгу йўлда у пайгамбар бўлар.
Унинг панохида эл ором топар,
Унинг оёгига барча бош кўяр».

Шунинг учун ишончли манбаларда келтирганларига кўра, бирорта пайгамбарга пайгамбарлик тожини ва расуллик либосини кийдиришдан олдин у кучлилар ва ожизларга нисбатан мехр-мурувват ва ачиниш хиссини туйиши учун аввал уни чўпонлик захматларини чекишга мажбур килишган.

**«Тарихи Акосира» (Кисро авлодлари тарихи) китобида бир хикоя бор:** Кисро наслидан бир уруги – Нўширавоннинг отаси Кубод ўгли Нўширавон вужудида акл ва билим жилоларини хамда мурувват ва саховатпешалик нурларини пайкагач, унинг тоза калби гўдаклигидан илм-хикмат билан тўлса, тошга ўйилган накшдек бўлар, деган ниятда уни олим ва фозил кишилар кўлига топширишга карор килди. Шунда Кубод донишманд Хожа Бузургмехрни чакириб, унга Нўширавонни топширди. Донишманд айтди: «Модомики бу ишдан максад аник экан, хикмат талаби бўйича киладиган ишларимиз четдан караган кишининг калтабин назарида зарарли, бемаъни нарса бўлиб туюлиши мумкин, шу боисдан айтиб кўяй, сизнинг калбингизда ранжиш аломатлари бўлмаслиги лозим, негаки бу хикматнинг фойдаси жуда узок замонларгача етиб боради ва акс этиб туради». Кубод хам, болани топширишдан кўзланган максад хам шу эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг Хожа Бузургмехр Нўширавон билан хикмат касри томон йўл олишди. Отхонадан уларга от беришди. Хожа ўзи отга миниб, Нўширавонга отнинг ёпинчигини елкасига ташлаб пиёда, Хожа узангиси ёнида кетишни буюрди. Хожа гох отга камчи босар, гох жиловини тортиб, охиста юрарди. Уйга етиб, сарой ховлисидаги богда тўхтагач, у Нўширавонга газаб билан кўпол муомала килди ва уни савалашни буюрди. Икки киши икки томондан йўгон таёклар билан саваламокчи бўлишганда, Нўширавон кўркканидан титраб-какшаб ялинишга тушди. Хожа: «Бор, сени кечирдим», деди. Нўширавон бехад кувониб кетди. Кейин Хожа Нўширавонни иззат-хурмат билан ичкарига олиб кириб, эъзоз-икромлар кўрсатдики, бундай одамгарчиликни хатто хаёлига хам келтирмаган Нўширавон хайратда колди.

Донишманд Бузургмехр айтди: «Дастлаб сени узангим ёнида пиёда юришга мажбур килганимда максадим сенинг узангинг ёнида пиёда юрган одамнинг ахволидан вокиф килиш – бегам отликлар отларини илдам йўрттириб кетишганда, пиёдалар кандай кийналишини билиб кўй, дедим, пиёдаларнинг азобланиши заррача бўлса-да уларнинг хаёлига келмайди хам. Кейин мен сендан газабланиб, таёк билан савалашга буюрганимда, ундан сўнг сени кечириб, сен ўшандай зулмдан озод бўлганингда, сени кандай кувонч камраб олганини эсла! Буларни мен шунинг учун килдимки, мабодо сен бирорта шўрлик бандани газабингга олиб, таёк билан уришга буюрсанг, ўшанда ўзингнинг хам шундай ахволга тушганингни, азобдан кутулганингда канчалар севинганингни эслагин, дедим, ўзингга раво кўрмаган нарсани ўзгага хам раво кўрма! Кечирганимдан кейин сени муносиб тарзда мехмон килдим, хурмат-эътибор тахтига ўтказиб, доно фикрлар айтиб, ёкимли сухбат куриб, кўнглингни топдим. Сен – подшохсан, одамлар сендан худди шундай муомалани кутишади. Сен буни ёдингда тутишинг ва мен сенга кандай муносабатда бўлган бўлсам, сен хам ўз тобеларингга шундай муносабатда бўлишинг керак».

Шу тахлит бир дунё доно фикрлари билан у Нўширавоннинг акл хазинасига абадий накдинани солиб кўйдики, натижада Нўширавон подшох бўлгандан сўнг шундай даражага етдики, бу барча мавжудотларнинг афзали, бутун борликнинг икболи хазрати пайгамбаримиз (барча яхши дуолар унга бўлсин) айтган хикмат мазмунига мос келади. У киши: «Мен адолатли шох замонида тугилдим» деган эди. Бу ёркин хикмат Нўширавон бахт-икболи сахифаларида битилганки, шунинг учун хам у бошка кофирлардан фарк килади, жахолат зулматига карамасдан, у дахрийлик маскани – дўзахдан ўзини саклаб колди ва ўзига аърофдан – кийноклардан химоя килинадиган маскандан жой хозирлади.

Бу мукаддимадан ва бу хикоядан максад шуки, Азалий Хикмат ўз абадий иродаси билан сахийлик ва тўгрилик асосига курилган, диёнат ва адолат билан мустахкамланган, гўзал фазилатлар инжулари ва хайрли ишлар марваридлари билан зийнатланган ноиблик тожини бошига кўйди ва кўша-кўша яхши хислатлар билан безатилган подшохлик тўнини хоннинг саодатманд елкасига ёпдики, бу салтанатининг етуклиги билан подшохларнинг подшохи хисобланади, унга хамиша бахт-икбол хамрох бўлсин учун Султон Саидхон деб исм кўйдилар, яъни бу «Бахтли хон» маъносини беради. Максад: барча одамлар – сохиби давлат ва фукаро, айникса, илм ахли, дарвешлар хамда сўфийлар хотиржам ва халол бўлиб, Хак субхонаху ва таолонинг бандачилигини килиб, берган неъматига шукроналар айтиб ўтиришсин, бунинг баракоти кўп йиллар дунёвий ва диний ишларга фойда келтирсин.

Шундай килиб, хон дастлаб дунё одамларининг турли тоифалари бошига турли даражада тушадиган кийинчиликларни бошдан кечирди. Ўзгаришлар даврида кандай кийимни киймасин, ўша кийимни киядиган тоифанинг кийинчиликлари хам унинг бошига тушаверди. Замон ва кисматнинг гаддор кўргуликлари ва синовларига бардош бера-бера, у хушфеъллик ва тажриба тўплаб борди, бу нарса хар хил тоифа одамларнинг машгулотларини ўрганишга ва кейинчалик подшох бўлган пайтида ўша одамларнинг хар бирига ўзига муносиб муомалада бўлишига ёрдам берди, бу эса ўз навбатида унинг улуг мартабаларга, обрў-эътиборга эришувига олиб келди.

Назм:

Окилу хунарманд эрларга Аллох<br>
Кошки икки умр тортик этсайди.

Бирида муттасил тажриба тўплаб,
Бирида хаётга татбик этсайди.
Султон Саидхон – бу хикоямизда каерда «хон» сўзи учраса, демак, гап у хакда боради – гаройиб вокеаларни бошдан кечирди. Бу мухтасар тасвирдан максад хоннинг фаолиятини кўпрок очиб беришдир. Бу киска баён тафсилотлари куйидагилардир: унинг муборак насл-насаби юкорида бир неча бор айтиб ўтилди. У тугилганидан то ўн тўрт ёшга етгунига кадар отасининг сояи давлатида, хузур-халоватда хаёт кечирди. У ўн тўрт ёшга етганда отаси Султон Ахмадхон, яъни Олачахонда акаси Султон Махмудхонга хизмат килиш истаги тугилди. Шунда у ўз ўрнига энг катта ўгли Мансурхонни кўйиб, ундан кейинги икки ўгли – Султон Саидхон ва Бобожок султонни ўзи билан бирга Тошкандга олиб кетди. Ахсидаги жангда, зикр этилганидек, хонлар кўлга тушганда Султон Саидхон хам отаси билан эди. Лашкар пароканда бўлгач, хар ким ўз жонини кутказишга киришди. Хон хам бир томонга караб кочди. Шунда унинг бўксасига ўк тегиб, совутини тешиб ўтиб, суягига етди. Отасининг лашкари тор-мор килингани учун кочишга куввати етмади. Ўша ерлик одамлар уни тутиб олиб, юришга кучи етмагани учун хеч кимга топширмай, бир неча кун ушлаб туришди.
Султон Саидхон кувват тўплагунига кадар Шохибекхон ишларни тартибга солиш учун Тошкандга кайтди. Ахсида Шайх Боязид хоким эди. Хонни ўшанга олиб келишди ва уни камаб кўйишди. Хон бир йилга кадар, то Шохибекхон келгунча Шайх Боязид кўлида камокда бўлди. Шохибекхон Танбални тутиб ўлдирди ва Андижонни бошкаришни Жонибек султонга топширди.
Жонибек султон Ахсига келди. Султон Саидхонни Жонибек султон олдига олиб келишди, Жонибек султон уни Шохибекхонга жўнатди. Шохибекхон унга жуда яхши муносабатда бўлди, оталарча мехрибонлик билан кутиб олди ва иложи борича гамхўрлик килди. Шохибекхон Хисор ва Кундузни олганда, хон унга хамрох бўлди. Султон Саид хоннинг хайрат ва завк-шавк билан айтиб берганини эшитганим бор: «Шохибекхон Хисорни олганда, Махмуд султон Кундузни эгаллади, деган хабар келди. Шохибекхон оркасига кайтди ва жуда секин юрди. У Хисорни Хамза султонга, Чагониённи Махди султонга берди. Дарбанди Оханинда йўл торлиги, ўлжаларнинг кўплиги учун лашкар секин-секин Буя ва Термиз тарафдан юрди. Шавкатли лашкар Буяда чодирлар тикиб тўхтади ва пешин пайти эди, мен хам мажлисда иштирок этдим. Кабул вакти хали бўлмаган, Шохибекхоннинг бир нечта мулозимларигина хозир эди, холос, шу пайт юзида кўркув ва тахлика акс этган бир одам келди. У тез юриб келиб, кўлидаги хатни салтанатга муносиб бўлган тахт пойига кўйди. Шохибекхон хатни ўкиркан, юзида кучли ўзгариш зохир бўлди. Охиригача ўкимай ўрнидан туриб, харам томонга йўл олди ва от келтиришларини буюрди. Харамда узок туриб колди. Пешин намозидан кейин чикиб, отга минди, кўп мулозимлари бирга эди. Маълум бўлдики, Махмуд султон Кундузда ўз ажали билан ўлипти ва унинг жасадини олиб келишипти.
Бирор соат ўтиб, Шохибекхон лашкаргохдан чикканида, коп-кора кийиниб, кўз ёш тўкаётган одамларни кўрдик. Улар тобутни ерга кўйиб, унинг атрофида саф тортиб туришарди. Шохибекхон буни кўриб имо килган эди, барча султонлар ва бошка одамлар отлардан тушиб, унинг узангиси ёнида пиёда боришди.
Халойик дод-фарёд кўтарди, булар хам дод солиб йиглашга тушди. Шохибекхон якин келгач, бир ишора килган эди, хамма саф тортди, ўзи эса отда олдинга ўтди, отининг боши тобутдан хам баланд эди, одамларни жим бўлишга буюрди. Одамлар ёкаларини йиртиб дод солишдан тўхтади. Кейин у Махмуд султоннинг амирларидан бирини ёнига

чакириб, коида расмига кўра, таъзия билдирди ва бир муддат юзиям ўзгармай, кўз ёши тўкмай жим колди. Бироздан кейин бошини кўтариб: «Махмуд султоннинг ўлгани яхши бўлди. Одамлар, Шохибекхоннинг салтанатини Махмуд султон ушлаб турипти, дейишарди, ана энди одамлар Шохибекхоннинг салтанати Махмудга боглик эмаслигини билишади, олиб боринглар, уни дафн килинглар» деди. У шу сўзларни айтди-ю оркасига кайтди. Шохибекхон шундай кўполлик ва совукконлигини намойиш килдики, хамма лол бўлиб колди», дея хикоя килган эди.
Махмуд султоннинг ўлими мўгулларни каттик кайгуга солди. Чунки Махмуд султон барча сохаларда мўгулларнинг таянчи эди ва айтиб ўтилганидек, бу хайрли ишда кўп саъй-харакатлар килди. Улар Самаркандга етишганда Мўгулистондан Шохбегим келди. Бу киска баённинг тафсилоти шуки, Шохбегим хонларнинг онаси ва Бадахшон хукмдори Султон Мухаммаднинг кизи бўлиб, Искандар Зулкарнайн наслидан эди. Бир вактлар у ўгли Султон Махмудхон билан Мўгулистонга кетган эди. Лекин эслатиб ўтилган пасткаш одамлар шундай килишдики, она-ўгил ўртасидаги одоб ва хурмат-эхтиром чегарасидан чикмай келган муносабатларга рахна тушиб, бир-биридан норозилик ва жанжал гардлари пайдо бўла бошлади. Бегимнинг ярамас маслахатгўйлари, унинг Шохибекхон ёнига кетиши, ундан ўзига бирор вилоятни сўраб олиши кераклигини, негаки унинг Мўгулистонда яшаши кийинлигини кулогига куйишар эди. Мана шундай бемаъни гаплар билан улар бегимни жўнатишди. Пасткаш кимсалар бегимни суюкли ўглидан бошкалар шармандалик ва беобрўлик деб хисоблайдиган бир йўл билан ажратишларидан олдин, у окила аёл бўлганлигидан шуни бахона килиб ўгли ёнидан кетди. Бегим Шохибекхон кошига илтимос билан кетди, деган миш-миш таркалди, у бўлса Самарканддаги ўгилларини кўришидан хурсанд эди.
Бу орада Шохибекхон Хоразмга томон кўшин тортди, отам Хуросонга кочиб кетди, хадемай бунинг баёни келади. Хон айтиб берган эдики, Мирзо кочиб кетгандан кейин ахвол кийинлашди. Ўн олти киши гапни бир жойга кўйиб Самарканддан кочишди. Хутук йўли билан Каротўкайга ўтишди, у ердан Сайрамгача бориб, Мўгулистонга ўтиб кетишди. Узун Ахмадга элтувчи йўл оркали Еттиканд номи билан машхур бўлган Хафтдехга келишди. Еттикандда Султон Махмудхон бор эди. Бу вокеаларнинг боши баён этиб ўтилди: Султон Ахмадхон ўлганда, Султон Махмудхон Мўгулистонга кетган эди. Султон Махмудхон бўшанг подшох бўлган, салтанат ишларида ялковлик ва кўнгли бўшликка йўл кўйган. Маълумки, Мўгулистон – бу сахро, у бундай ялковлик ва бўшангликни кўтармайди, шу боисдан у Мўгулистонда кололмади. Ўз карорини ўзгартириб, шахарга ва Еттиканд вилоятига келди, у ерда дехкончилик килиб яшаб колди. Хон амакиси Султон Махмудхонга кўшилди, бир канча муддат унинг хизматида бўлди.
Султон Саидхон бехад харакатчан ва жасур киши эди. Шунинг учун у Султон Махмудхоннинг ялковлиги ва бегамлигига токат килолмай, у ердан кочиб кетди. Султон Махмудхон унинг оркасидан одамларини жўнатди. Уч кундан сўнг улар унга етиб олишиб, олишув бўлди. Кураш жуда кескин тус олганда, Султон Махмудхоннинг мулозимларидан соз чалиб, ашула айтадиган Максуд Али деган одам эпчиллик килди. Хон, олишувнинг муваффакияти аввало ўзининг харакатига богликлигини кўриб, унга томон от сурди. У кочишга тушди. Кочиб бораётиб оркасига ўгирилди-да, ўк отди. Унинг ўки хоннинг чап елкасига шундай санчилдики, елка суягига етди ва чап курагидан ўтиб, ўнг курагига етиб борди. Шунда хон Максуд Алини хайрон колдирмокчи бўлди, аммо у канча уринмасин, куролни бошкаришга кўлининг кучи етмади, душман сог-саломат кетди.

Хон кайтиб келди. Яраси огир эди, икки йилгача унинг ўнг кўзи кўрмай, бир кўли ишламади. Бирмунча муддат ўтгач ўша Максуд Али хон мулозимларидан бирининг кўлига тушди. У Максуд Алини килган килмишлари учун нариги дунёга жўнатмокчи эди, бошкаси унга: «Сен уни хон хузурига тирик олиб борсанг-да, хон уни ўзи жазоласа, бу тўгри иш бўлади ва у сендан кўпрок миннатдор бўлади», деди ва у Максуд Алини хонга тириклай олиб келди. Хон бундан хурсанд бўлиб, уни олиб келишларини буюрди ва: «Кўлимга тушганинг яхши бўлди, зерикиб ўтирган эдим» деди. Гарчи хоннинг бор-йўги битта тўни бўлса-да, ўшаниям унга берди, тагин бир нечта от совга килди, чунки Мўгулистонда от ва мол жуда кўп, кийим-кечак эса кам эди. Умрининг охиригача унга мехрибончилик килди. Хоннинг хайрли ишлари сон-саноксиз – хар бири хакида мавриди келганда ёзамиз.
Кискаси, ярадор Султон Саидхон жуда катта кийинчиликлар билан укаси Султон Халил султонга бориб кўшилди. Султон Халил султон отаси вафот этгач, Мансурхондан кочиб Мўгулистонга борди ва Мўгулистонда киргизларга кўшилди. Улар уни подшох кўтаришди. Хон узок вакт укаси билан бўлди. Охири бир томондан улар, иккинчи томондан, Султон Махмудхон ва Мансурхонлар ўртасида кўплаб галаба ва маглубиятлар, тўкнашув, каттик жанг ва гаройиб вокеалар бўлиб ўтди, ўша жангларда хон шундай ярадор бўлдики, жарохат битишига соглом акл бовар килмасди. Бунинг тасвири мазкур китоб максадига кирмайди.
910 йилдан 914 йилгача (1504-1505-1508-1509) Мўгулистонда шахзодалар ўртасидаги кураш ва жанжаллар билан ўтди, охири Султон Махмудхон ака-укалари, Мўгулистоннинг таркок халки орасида туришдан безор бўлиб, Шохибекхон ёнига кетди, бу баён килинган эди.
Мансурхон, Султон Саидхон ва Султон Халил султонлар колгач, укаларига хужум килиб, улар ўртасида хам жанг бўлди. Бу вокеа Алматуда – Мўгулистоннинг машхур ерида содир бўлди. Жанг каттик бўлди ва охир-окибат маглубият юки султонлар елкасига тушди. Султон Халил султон Мўгулистондан умидини узиб, Шохибекхоннинг хомийлигидан умидвор бўлиб, амакисининг оркасидан жўнади ва Ахсига келди. Жонибек султон уни тутиб амаким Саид Мухаммад мирзога, Султон Али мирзо бекчикка ва Тубра нуёгутга топширди. Улар ўзларига бошкаларда ишонч хосил килиш учун уни дарёга чўктиришлари лозим эди ва улар бечора Султонни Ахси дарёсига чўктиришга мажбур бўлишди. Бу вокеадан бироз муддат ўтгач, Султон Саидхон укасини ўлдирган мана шу одамларга мехрибончилик кўрсатди – бу хакда хали тўхталамиз.
Султон Саидхон ўша жангдан сўнг кочганида, ихтиёрида элликтача одам ва керакли корамоллар бор эди. У Алматудан Дўланга келди, бу ергача карвон билан ўртача юрганда тахминан ўн беш кунлик йўл эди. У ерга етиб келгач, улар хотиржам бўлишди, бу ер маълум маънода хавфсиз эди. Ўша куниёк бир одам пайдо бўлди, улар уни тутиб олиб сўрокка тутишди. У: «Бу ердан карвоннинг ўртача юришида уч кунлик йўлда жойлашган Уруктом деган жойда бахрин кавмидан бир тўда одамлар жойлашиб олишган, улар Кошгарга бориб, Абобакр мирзога кўшилишмокчи», деди. «Мен кочиб кетдим, – дея давом этди у, – киргизлар томонга кетяпман». Шундан сўнг, улар маслахатни бир жойга кўйиб, хон ўзи ўша ёкка бориб, улар билан алока ўрнатади, деган карорга келишди. Эхтимол, у шу йўл билан ёрдам олар. Хаммадан кўп буни Хожа Али баходир талаб килди. Хожа Али баходир бойрин кавмидан бўлиб, жасур, кўркмас, беназир мерган киши эди. Хон Самарканддан кочиб келиб, амакиси Султон Махмудхонга кўшилган пайтда Хожа Али Еттикандда Султон Махмудхон ноибларидан бирининг хизматида эди. Хон келгач, Хожа Али хонга садокат камарини чин дилдан белига

боглаб, унга астойдил хизмат кила бошлади. Хон кочиб, Максуд Али мусикачи уни ярадор килганда, Хожа Али ўша жангда катта кахрамонлик ва баходирлик кўрсатди – ўша кундан бошлаб у хоннинг илтифотли назари остида бўлди. Кўплаб жангларда содир бўлган гаройиб вокеалар унинг ишлари эди. Баходирлик ва жасурлик билан бир каторда у акл ва билим сохиби хам эди. Ўша кунларда кўп ишлар унинг кўрсатмаси ва маслахати билан килинарди. Хожа Али бу ишга тарафдор бўлганлиги учун бошка маслахатгўйлар буни унча ёктиришмасди. Хожа Али айтдики, агар биз бир гурух бўлиб борсак, улар: «Булар бизларни талаб, йўк килиш учун келишди» деб ўйлашлари мумкин, бу бемаъни фикрни уларнинг шайтон ин курган мияларидан чикариб ташлашнинг иложи бўлмайди ва бу нарса янги-янги тўкнашув ва дахшатларнинг келиб чикишига сабаб бўлади. Шунинг учун энг тўгри йўл шуки, камина кулингиз жаноби олийларининг узангиси ёнида хизматкорлик килиб бораман, колганлар беш кунгача шу ерда колишади. Агар ўша одамлар каминанинг маслахати ва тўгри фикрига рози бўлиб, бизга кўшилишса, биз билан келишиб, мияларини камраган кўркувдан халос бўлишса, ахмокона ва тубан ўй-фикрлари тоза ният хамда жаноби олийларига садокат билан алмашса, – бу бизнинг истакларимизга тўгри келади, бизни кутаётган одамларга тезрок кўшиламиз. Шундай килсак, тўгри бўлади, хозир отларни аяшимиз керак, агар хамма хонга хамрох бўлиб борса, бу отларнинг кучдан колишига сабаб бўлади.
Аклли одамлар бу фикрни маъкуллашди ва Султон Саидхон Хожа Али билан жўнади. Уч кунлик йўлни улар бир кечада босиб ўтиб, чошгох пайти етиб келишди. Ўша тубан одамлар буни эшитиб, уларнинг олдига чикишди, аммо мўгуллар одатига кўра уларга иззат-икром кўрсатишмади, ўзларини кўпол тутишди. Хожа Али айтдики: «Нимагадир интилиб, качондир ўз орзуларига етишадиган одамлар кулай фурсатни излашиб, иккала кўллари билан умид этагидан махкам тутиб, салтанат сохибига хизмат килишга бел боглашади…»
Хожа Али гапини тугатолмади. Улар: «Бетайин сўзларингни кўй, бу ваъдаларинг бизга ош-нон бўлмайди, ўзимиз санокли хонадонмиз, бизга хоннинг кераги йўк», дейишди. Хон отининг жилови Хожа Алининг кўлида эди, уни тортиб олиб, хон тарафга ташлаб, хонни дўстлари ёнига кўйиб юборишди-да, Хожа Алини ўраб олишди. Уни тутиб олиб, ўз уйлари томон жўнашди.
Ўз жонидан кўрккан хон, тутиб олиб Абобакр мирзога топширмасликлари учун шоша-пиша оркасига кайтди. Тезрок ўз одамлари ёнига етиш учун у каттик саросимада отига камчи босди. Хон хавфсираб тинмай оркасига ўгирилиб карарди. Бир куни у шу вокеаларни гапириб ўтирганда мен: «Ёлгизликдан каттик кўрккандирсиз?» деб сўрадим. Бунга жавобан хон: «Ундай эмас, чунки мен бунгача хам Мўгулистонда ёлгиз колиб, кўп кунларни танхоликда кечириб, кейин одамларга кўшилган эдим» деган эди.
Йўлнинг бир кисми ортда колганда, узокдан кандайдир кора кўринди. Ўзи бекиниб олиб, захирадаги отини бир пана жойга махкам боглади-да, яшириниб, кутиб турди. Кора нукта якинлашгач, хон кўрдики, у бир сипохий экан. Якин келгунча сабр килиб турди-да, камонга ўкни ўрнатиб, унинг олдида пайдо бўлди. У одам бўлса, кўркканидан бирон харакат хам килолмай, отдан ўзини ерга ташлади. Хон уни таниди – бу ўша, одамлардан кочиб, киргизларга бораётганда хоннинг кишилари Дўланда тутиб олишган, бойрин кавмининг тубан кимсалари хакида маълумот берган гулом эди. У хам хонни таниб, отининг узангисини ўпди, хон ундан одамлари хакида, уларнинг хозир каердалиги хакида сўради. У деди: «Сиз Хожа Али баходир билан кетганингиздан кейин жамоат орасида ихтилоф пайдо бўлди. Бунга сабаб, фалончи гўё кечаси хон учун тикилган

чодир ортида туриб эшитганмишки, гўё Хожа Али баходир хонга бу бетайин одамлардан бирон яхшилик кутиб бўлмайди. Анави одамларда хизматкору мол-хол кўп. Бу мулозимларнинг хар бири амир ёки амирзода эканлигини пеш килиб, бизга хўжайинлик килишади, улар эса бунака бемаъниликка йўл кўйишмайди. Биз бу одамлар билан ўз орзу-максадларимизга етолмадик, демак, хозир булардан мен айтган тартибда ажралиш ва анави одамларга кўшилишнинг айни пайти, булар каерга боришса бораверишсин. У кавмнинг кучи билан биз барча ишларимизни изга туширамиз, деганмиш. Хонга бу гаплар роса маъкул бўлган, энди хон кайтиб келмайди. Бу сўзлардан одамларнинг умидлари пучга чикиб, хафа бўлишиб, хар бири ўзига ўзича йўл танлаб, таркалиб кетишди. Бир тўдаси Учку Мухаммад мирзо, Шох Мирак ва Зикул баходир бошчилигида Турфонга, Мансурхоннинг пойтахтига кетди. Бошка тўда Карокулок мирзо бошчилигида Андижонга, Шохибекхон ёнига кетган хонлар, эхтимол, унинг хомийлигига эришгандирлар, деган умидда кетишди. Учинчи тўда Хушкелди кўкалдош ва Азизберди Ога рахбарлигида Кошгарга, Абобакр мирзо ёнига кетишга карор килишди. Шу тартибда хаммалари таркалиб кетишди». Хон, (Аллох унинг иймонини оширсин), хар доим айтар эдики: «Ахволнинг бунакалигини эшитиб, хайрон колдим, борлигимни кўркув ва тахлика камраб олди. «Шундай холат юз берганига неча кун бўлди?» деб сўрадим. «Сизлар уларнинг кўзларидан йўколганларинг захоти шу гап-сўзлар бўлди ва улар пароканда бўлиб кетишди» деди у. Анчагача чукур хаёлга ботиб, узок мулохаза килиб колдим. Охири ўзим учун шу карорга келдимки, отимни Норин ўрмонида, кайтиб чиколмайдиган чангалзорда колдираман-да, ўзим пистирмада туриб кийик отиб, гўштини еб, терисини кийим килиб кияман, шу тахлит, гойибдан бирор тўгри йўл кўрсатилгунча бир неча йилни ўтказаман, кейин шунга караб харакат киларман. Шу ният билан ёнимга захирадаги отни олиб, йўлга тушдим».

Дунё элатлари орасида мўгул кавмларининг ўзига хос расми бор: «Уларнинг жасур йигитлари узок вакт танхоликда, одамлардан бир-икки ойлик йўл йирокда, сахроларда, тогларда, ўрмонларда яшашади». Кийик гўшти ва териси уларга овкат ва кийим вазифасини  ўтайди, улар буни жасурлик ва матонат деб хисоблашади, аслида хам бу жуда кийин ва хавфли иш. Хон ўзига бундай хавфли вазифани танлаб, гуломга жавоб берди ва режасини амалга оширишга киришди. Кечани у ўзи учун кулай хисоблаган бир жойда ўтказди, тонг отгач, йўлга тушди. Мўгуллар одатича эхтиёткорликка риоя килган холда у тонгда йўлдан эмас, балки йўлсиз жойдан ўзи келган томонга караб жўнади, бир тепалик устига чикиб, у ердан ўзи шу тарафга келган йўлни, шунингдек, бугун юриши керак бўлган йўлни кузатди. Иккала тарафни кўздан кечириб, отларини ўтлатди, чунки улар кечаси боглик турган эди. У шундай мулохаза килди: борди-ю уни бирон кимса кузатаётган бўлса, унда кечаси якин орада туради, эрталаб эса унинг изидан якинлашганда, кўриниб туради, кузатилаётган одам эса ўз жонини кутказиш хакида ўйлашга улгуради. Отларнинг корни тўйиб, бирор кимса пайдо бўлмаса, пешиндан кейин у йўлга тушди ва унинг каерда тунашини хеч ким билмаслиги учун ярим кечагача йўл босди. Бу одамлар ана шундай эхтиёткор бўлишади.

Шундай килиб, хон туш огишини кутиб, атрофни кузатиб ўтирди. Бироздан сўнг ўзи бу томонга келган йўлда кора нарса кўзга чалинди. У кўркув ичида: «Нахотки анави одамлар хонни кўйиб юборишганига пушаймон бўлишган бўлса?» деб ўйлади. Кора нарса якинлашиб келаверди ва у бир киши бўлиб чикди. Хон йўлни канча кузатмасин, унинг ортидан бошка одам кўринмади. Хон одатига кўра пистирмага бекинди ва халиги одам кимнидир чакираётгандек тинмай кичкираётганини кўрди. У овозини фарклаб бўладиган

даражада якинлашгач, хон Хожа Али баходирнинг овозини таниди ва унинг олдига сакраб чикди. У хам хонни таниб, йиглаб юборди ва отдан сакраб тушди. Хон хам йиглаб уни кучоклаб олди. Шундай мушкул вазиятларда бундай учрашув канчалик кўнгилга хуш ёкишини тасаввур килса бўлади! «Каерда эдинг, нималар бўлди?» сўради хон йиглашдан тўхтаб. «Отимни яшириб кўйиб, ўзимни олиб бориб, бир танишимнинг уйида ушлаб туришди. Бир мунча вакт ўтгач, менинг ёнимга менга кариндошчилиги бор бир кампир яширинча келиб, мени койиди. «Мард одамлар умид чироги бўлган хонга онасининг корнида эканида хам, гўдаклигида беланчакда ётганида хам хизмат килишади, шу билан юксак максадларга эришишади, сен эса, калтабин кимса, тахту тожга лойик бўлган шундай хонни ёлгиз колдирдинг. Тур ўрнингдан! Мабодо отинг бўлмаса, мен ўз отимни фалон жойда колдирганман, унга мин-да, кет» деди. Калбим тубида ётган олдинги ниятларим кайта уйгонди. У кўрсатган отга миндим-да, дархол жўнадим ва бу ерга келдим» дея хикоя килди у. Хон унга миннатдорчилик билдирди ва якка ўзи колганида килмокчи бўлган иши хакида айтиб берди. Хожа Али баходир хитоб килди: «Матонатли инсонни Аллохнинг ўзи кўлласин, бундай вазиятларда шундай килиш энг тўгри йўлдир. Сиз яхши ўйлабсиз, хозир айни шундай килмок керак. Хозирги пайтда буни жуда осон ва яхши ташкил килиш мумкин. Биз бир неча йил шундай яшаймиз. Вакти-вакти билан дунё вокеаларидан хабардор бўлиб турамиз. Фалак хеч качон бир хил айланмайди, биз кулай пайтни топиб, сўзсиз ўз ишимизга кайтамиз». Мана шундай рухан чўкмай икковлашиб магрур йўлга тушиш учун одам ўта იродали бўлмоги керак.
Эртаси куни йўлда кетишаётганда узокдан бир неча кора нукта кўринди. Улар одатга кўра эхтиёткорликни кўлдан чикаришмади. Нукталар якинлашганда карашса, бу келаётганлар Хожа Алининг икки акаси Така билан Али Мирак, Асил Пўлод ва Бузана исмли икки куёви ва битта хизматкори экан. Бу мулозимларнинг келиши билан подшоликка тагин асос кўйилди. Улар келганлардан уларнинг ишларини суриштиришди. Улар гулом айтган гапларни кандай бўлса, шундайлигича такрорлашди ва кўшиб кўйишдики, Кошгарга кетмокчи бўлган Хушкелди билан Азизберди кеча улардан айрилиб колишганмиш. Улар билан бир сукор ва калучи кавмидан бир нечта одам бирга эди, уларнинг хон Мўгулистондаги тартибсизликлар пайтида никохига олган Махтум исмли аёлга кариндошчилиги бор экан, шунингдек, улар хон отларидан бир нечтасини олиб кетишипти.
Бу хабарни эшитиб, хаммалари уларнинг ортидан жўнашди. Ярим кечада улар етиб олишди. От туёкларининг товушини эшитган захоти анавиларни хаяжон ва кўркув камраб олди. Хон ва унинг ёнидаги одамлар уларнинг хар бирини исми билан чакира бошлашди. Улар хоннинг ва ёнидаги одамларнинг овозларини таниб, кувона-кувона югуриб хон хазратларининг узангиси ёнига келиб, унинг оёгини ўпишди ва кисматга шукроналар айтишди.
Бу дунё галати-да, кажрафтор фалак кишини хар кўйга солади, гохида у бирор нарсага умид боглаган одамни нима биландир бир зумга суюнтирса, хаял ўтмай умидлари огзига бедодлик захрини куяди.
Назм:
Бузгунчи фалакнинг дастидан фарёд!
Бир кисмат тугунин ечмади, хайхот!
Хар кайда кўрса бир шўрлик багри дог,
Какшатиб юклайди гам-алам тог-тог.
Бу сатрларнинг хакикатлиги куйидаги хикоя билан тасдикланади. Хожа Али кайтиб

келганидан кейин хон ёлгизлик вахимасидан бирмунча халос бўлди, ундан сўнг буларга бир гурух одамлар билан Така келиб кўшилди. Дастлабки ахволига киёслаганда, бу энди шохона холат эди. Булар ёрдамида улар кочоклар тўдаси билан бирлашишди, энди хонда анча-мунча курол-аслаха, хотини билан келган хизматкорлар пайдо бўлди. Султон Саидхон рухий хотиржамлик топди. Хаммалари учрашувдан хурсанд бўлиб, кечаси хотиржам ухлашга умид боглашди. Шу умид билан хон этиги ва кийимини ечган эди, Азизберди Ога келиб этиги ва кийимини кийиб олишини сўради. Бундай килиш огир бўлса-да, эхтиёткорлик юзасидан хон рози бўлди. Битта этигини киймади, одамлар ташвишланмасинлар деб уни хотинининг ёнига яшириб кўйди-да, хотиржам уйкуга кетди. У кеча-кундуз дам олмаган, кийин йўл, уйкусиз зимистон тунлар уни каттик чарчатган эди. Аммо у хали уйкуга тўйиб улгурмаган хам эди, хужум ва олишув кичкириклари эшитилиб колди. Хон ўзига келиб караса, душманлар тикилган чодирлар оралаб, ёп-ёруг жойларда одамларни уриб, талаб юришипти. Хон белига ўкдонини боглашга зўрга улгурди. Шу пайт Хожа Али етиб келди, улар чодир ва ёругликдан коронги жойга ўтиб, ўз иши билан машгул бўлаётган душманни ўкка тута бошлашди. Чодирлардан югуриб чиккан одамлар ўзларини коронгиликка уриб, душманга ўк уза бошлашди. Душманлар хам ёруг жойдан нари кетишди. Улар отларга миниб олишди, бу томондаги пиёдалар пана жойлардан уларга ўк узишарди. Коронги бўлганлигидан хар икки тарафнинг хам одамлари сонини аниклаб бўлмасди.

Хон билан бирга бир неча киши ўк отиб туришди, бошкалари отларни олиб келишга кетишди. Гап мана бундок эди: бу бир тўда душманлар Абобакр мирзонинг одамлари бўлиб, у буларни Мўгулистонга юборган ва булар Мўгулистон чўлларида кимни учратишмасин, хаммани тутиб олишлари, хавфлирок кўринганларини ўлдиришлари керак эди. Абобакр мирзонинг мана шу одамлари Мўгулистонни мудом безовта килар эди; кенг Мўгулистондаги мўгул борми, киргиз борми, хаммасига дунёни тор килишарди. Бу тўда хам ана шу бузгунчилар сирасига кирарди. Намозгар пайти янги лашкар келиб, бу ерга жойлашганини кўришди. Улар ўша жойда бекиниб олишиб, ярим кеча бўлганда ўтлокка кўйилган отларни олиб кетишди, тонгга якин хужум бошлашди. Хонда совутишга кўйилган бир нечта семиз отлардан бошка биттаям от колмади. Булар шу отларни эгарлашди, уларга эркаклар минишди, аёллардан факат хоннинг хотинини ва эрлари от топиб келган икки-учта аёлни отга миндиришди-да, жўнатишди. Хоннинг отини хам эгарлаб келтиришди. Шу орада тонг отди. Бу махкумларнинг ахволлари бехад огирлашди. Айтиб ўтилган бир нечта аёллардан бошка барча аёлу болалар душман кўлига тушди. Бирор одамда хайр-хўш килишга имкон хам йўк эди. Бахтсизлик тамгаси уларнинг шўрпешаналарида бир умрга мухрланиб колди, улар кайтиб хеч качон кўришишмади.

Кочишга муваффак бўлганлар нимжон аёлларни, эркаклар ва отларни олдинга ўтказишди, хон хамда кучи ва жасорати бор одамлар уларнинг ортидан юришди. Манфур душманлар уларнинг ортидан кўринди. Кўшимча оти борлари шиддат билан харакат килиб, кочоклар изидан тушишди. Хар гал, улар якинлашишганда, хон бир неча одамлари билан тўхтаб, ўк отиб, оркада колган ўз одамлари етиб келишгунча уларни тўхтатиб туришар, кейин хон тагин жиловини бўшатиб кочишга тушар ва илгарилаб кетган ўзиникиларга етиб оларди. Улар шу тахлит, коча-коча жанг килишди. Улар юзларини дўстларга, оркаларини душманга каратиб камондан ўк узишарди. То хуфтон намозигача шу ахвол давом этди.

Ўтмук Ангун ва Арча сайхонлиги деган жойда тунги боскин бўлди. Хуфтонгача улар

Кумала Кочур деган ерга етиб келишди. Унинг масофаси ўртача юрилса беш кунлик йўл. Нимжон аёлларни хам, эркакларни хам кочиб кетишаётганда иложсизликдан йўлдаги хар хил пана жой ва чангалзорларда колдиришарди. Улар иложи борича ўзларини пана жойларга олишарди.
Хоннинг хотини, икки-учта бошка аёллар ва бир нечта эркаклардан бошка йўлда колдирилганларнинг кўпчилиги душман кўлига тушди, жуда кам одам кутулди.
Хуфтон намози вакти бўлганда улар душмандан кўркиб бир жойга йигилишмади. Хаммалари таркалиб, Кумала Кочур чангалзорларига бекинишди. Баъзиларининг отлари хориб колган эди, кўркувдан отларини хам ташлаб, бутазорлар ичига яширинишди. Тонг отгач, улар бутазор ичидаги тепаликка чикиб, эхтиёткорлик билан атрофни кўздан кечиришди. Душман асари кўринмади, тушгача кутиб туришди. Шундан сўнг улар бир-бирларини чакириб, овоздан бир-бирларини топиб олишди. Кочаётган пайтда пана жойларда колдириб кетган одамлардан хеч бир хабар бўлмади, улар ёв кўлига тушишганми-йўкми, билишолмади. Улар оркага кайтиб, ўшаларни излашга тушишди, кўришдики, хоннинг хотини, тагин икки-учта аёлдан бошка хаммаларини душманлар топиб олиб, асир килиб олиб кетишипти. Ўша кунни улар шу жойнинг ўзида ўтказишди, чунки юришга мадорлари колмаган, бунинг устига каёкка караб юришни хам билишмасди. Узок ўйга толишди, хар бири ўзича бир фикрни айтар, бирор маслахат берар, аммо буларнинг хар биридан бир мушкулот чикарди-да, уни хал этишга акл ожизлик киларди. Улардаги режаларнинг энг биринчиси чангалзорларда яшаб колиш ва обод жойларга кайтишни миядан чикариб ташлаш эди. Бирок бунинг учун энг мухим нарса ўкдир, уларни канча кидиришмасин, хоннинг ўкдонида колган битта ўкдан бошка хеч нарса топишолмади, бошка ўкдонларда эса газ ўкидан  бўлак хеч нарса йўк эди. Камон ўкларисиз у карорни амалга ошириб бўлмасди. Ўша пайтда мўгул хонлари учун жон саклайдиган жой Дашти Кипчокка хам ўксиз бориш мумкин эмас. Кошгарга бориш худди тирик одамнинг ўз оёги билан гўрга боришидек гап. Мансурхон билан кечагина жанг килишган, барча кийинчиликларнинг сабабчиси хам Мансурхон эди. Охири, эхтимол, Шохибекхон Султон Махмудхонга хомийлик килгандир, деган умидда Андижонга кетишга карор килишди. Булар хакида хон менга жуда кўп гапириб берган, факир бандага айтган эди: «Шохибекхоннинг табиатини билмаган одамгина унинг мархаматига кўз тутиши мумкин, буни биладиган одамлар бу режани канчалик рад килишмасин, ўз мияларига сингдирган пуч тахминлар туфайли ундан воз кечишмади. Менда хам уларга карши юзлаб эътирозлар бор эди, чунки мен Шохибекхон ёнида ўтказган бир йил давомида унинг бутун хусусиятларини, султонларнинг ва амирларининг феъл-атвору ниятларини яхшигина ўрганиб олган эдим. Унинг нималар килгани ва нималар килиши мумкинлиги менга аён эди. Шуларни мана бу одамларга канча тушунтирмайин, улар бунга рози бўлишмади ва: «Бошка нима хам кила оламиз? Хар кандай таклиф – бемаънилик. Бунда яхши нарсаларга умид боглаш мумкин. Агар муборак миянгизда бошка бирор фикр тугилса, айтинг, чунки барча ишларда сизга жон-жон деб итоат киламиз» дейишди. Мен хам, канча ўйламайин, шундан бўлак чора тополмадим.
Эй, кодир Аллох! Хамма нарсани кўриб, билиб туриб, шу учун одамларга танбех берардиму, ўзим ўша хатога йўл кўйдим, бошка илож хам йўк эди-да ахир.
Байт:
Кўриб эдим юзингни, феълингни билиб эдим,
Кўриб-билиб ўзимни балоларга ташладим.
Эртасига ўзимни ўлимга, жонимни азоб-укубатга тайёрлаб, Жонибек султон ёнига

жўнадим. Бу Шохибекхонга хизмат килишнинг биринчи боскичи эди, бу боскич билан кабр ўртасида фарк йўк эди». Бу вокеа 914 (1508-1509) йилда, Султон Махмудхон шахид бўлгандан кейин икки ой ўтгач содир бўлди, ундан бир ой олдин хоннинг тугишган укаси Султон Халил султон сувга чўктирилиб, Аллох рахматига борган эди, буларнинг барчаси хакида тўхталган эдик.
Ўша йили Кобулда Бобур Подшох ўрнашиб, мустакил бўлиб олганди. Энди, хон хакидаги хикоямиз шу ерга етган экан, агар отам ва Бобур Подшох хакидаги баёнимизга кайтмасак, сўз мароми бузилади.

**Тўккизинчи фасл. Отам Мухаммад Хусайн кўрагон (Аллох юзини иймон нури билан ёритсин)нинг Шохибекхон хузуридан кочиб, Хуросонга кетиши ва унга таалукли айрим вокеалар баёни.**

Юкорида эслатиб ўтганимиздек, Махмуд султоннинг голиб лашкари келиши билан Кундуз каршиликсиз эгаллангач, Хисравшох кўлида бир йил асирликда ўтирган бизлар озод бўлиб, отам билан топишиб, Шохибекхон отамга икта килиб берган Шахрисабзга кўчиб кетдик.
Кавс ойининг бошида Шохибекхон Хоразмга юриш килди. Тобелари билан ўзбеклар орасида юрган мўгул сардорлари, султонлару амирлари мудом кўркув ва хавфдан юракларини ховучлаб туришарди. Барча жабхаларда мўгулларнинг химоячиси Махмуд султон шу пайтда Кундузда вафот этди. Барча мўгуллар, айникса, отам бундан каттик кайгуга тушишди.
Чунки Махмуд султон отамга жуда кўп мехрибончиликлар килган эди, борди-ю Шохибекхон салтанати доирасидаги амалдорлардан бирортасининг хаёли лавхида отамга жабр ўтказиш белгисини сезиб колса, Махмуд султон буни ўз мехрибончилиги ва садокати калами билан ўчириб ташлар ёки ўша ярамаснинг хасад тўла юраги лавхидан бу белгиларни жазо пичоги билан кириб ташлар эди ва отамни хар бир ишда кўллаб-кувватлашни ўзи учун зарур вазифа деб хисобларди. Унинг ўлимидан барча мўгуллар, айникса, отам катта ташвишда колишди.
Шохибекхон отамнинг якин дўстларидан бири Жонвафога хуфёна айтган эмишки, Хоразмни эгалламагунча зинхор оркасига кайтмасмиш, камалнинг узок давом этиши аник: “Бугунги кунда ўзбеклар орасида ўттиз мингга якин мўгул бор. Мўгулларнинг сардорлари мавжуд экан, улар бизга астойдил хизмат килишмайди, – депти у, – Кулай вазият тугилса, биз уларга нима килган бўлсак, улар хам бизга шундай килишади. Улардан биринчиси – Мухаммад Хусайн кўрагон. У хакда мен неча кундан бери ўйлайман, уни ўлдириш хонлардан бирини ўлдириш билан тенг. Бундай килсам менинг хонларга килган мурувватларим йўкка чикади. Хуллас, яхшиси сен бориб бу гапларни унга етказ. Мухаммад Хусайнга айтки, тезрок лаш-лушини йигиштириб, оёги етганча кочиб кетсин. Ўлим билан ўйнашмасин. Чунки у кетгач, консираган киличим бошка мўгул амирларини йўк килишга киришади”.

Амир Жонвафо дархол шоша-пиша отамга одам юборди, у пешин намози пайтида етиб келди. Аср намози пайтида отам болалари орасидан мени танлаб олиб, тагин хизматкор ва тобеъларидан ўн олти кишини хамрох килиб, Хуросонга кочди.
Бу вокеаларни худди тушимдаги алахсирашдек эслайман.
Ўша кунлари Султон Саидхон хам Самаркандда эди. Биз борганимиздан уч кун кейин у Мўгулистонга кочиб кетди, булар юкорида зикр этилди.
Отамнинг Шахрисабзда колган фарзандларидан тўнгичи Хабиба Султон Хониш эди. Шохибекхон уни Султон Махмудхоннинг кизи – Тошкандда уйланган хотини Ойша Султон хоним (хозир Мўгул хоним номи билан машхурдир) билан бирга сакларди. Кейинчалик Шохибекхон Хабибани дабдаба билан Махмуд султоннинг ўгли Убайдуллоххонга никохлаб беради. Ундан кейингиси – Гавхаршод бегим. Амир Жонвафо отамнинг кочиб кетишига ёрдам бергани учун Шохибекхон уни Жонвафонинг ўгли, ўзбеклар орасидаги ўз тенглари ичида ажралиб турувчи амир Ёрга олиб берди. Улардан кичикроги отамга хамрохлик килаётган – мен. Яна биттаси Мухаммад Шох – уни кариндошларимиздан бири оркамиздан Хуросонга олиб келди. Энг кенжа йўлдошимиз – аввал айтиб ўтилган, онаси Султон бегимнинг ёнидаги Абдуллох мирзо эди, – унинг хаёти хали баён килинади.
Шундай килиб, Шахрисабздан чикиб, тун бўйи йўл босдик ва эртасига кечкурун Аму дарёси сохилига етдик. Хаво жуда совук эди. Кийнала-кийнала дарёдан ўтиб олдик ва Балхга етмай Хуросонга кетдик.
Султон Хусайн мирзо хаёти ва хукмронлигининг охирги кунлари эди. Султон Хусайн мирзо – Амир Темурнинг ўгли Жахонгир мирзонинг набираларидан бири бўлиб, Амир Темурдан кейин унинг авлодидан хеч кимга салтанат насиб этмаган эди. Султон Хусайн мирзо киличининг зарби ва узок йиллик катъиятли кураши билан ўттиз етти йил Хирот тахтида бутун Хуросонга мустакил подшохлик килди. У фазилат эгаларини, хунар, санъат ахлини тарбиялашга шу даражада харакат килди, замонида хар бир кавмдан бир нечталаб жахонга машхур улуг арбоблар етишиб чикдики, бунакалари унгача хам, ундан кейин хам бўлмаган эди.
Модомики хикоя шу жойга етган экан, шуни айтишим жоизки, мен шу муборак замонда кўзга кўринган ва шухрат козонган зотларнинг хаётини баён килишни кўнглимга тугган бўлсам-да, лекин истеъдодимнинг камлиги, кулай фурсатнинг йўклиги туфайли бу ишга кадам кўёлмаган эдим. Уларнинг пок исмларини бу ерда эсламай ўтишга кўнглим изн бермайди, нима бўлса хам мен улар хакида калам тебратиш бахтига муяссар бўларканман, агар бу арзимас ёзувларимда хато ва камчиликларга йўл кўйсам, буни зукко ўкувчилар хайрихохлик билан кабул килишларига умид кўзини тикаман. Ана шу мутлак улуг Аллох Таолонинг назари тушган буюк зотларнинг ахволини баён килиш туфайли бу хокисорнинг ихлоси устига уларнинг шарофатидан бир нур тушиб, амал, мансаб арбобларининг тарихини ёзиш учун зоеъ килган вактимнинг ўрнини босолса ажаб эмас.
Байт:
Шакар йўк, тилимда унинг номи бор,
Шукрким огзимда захр эмас зинхор.
Шунингдек,
Байт:
Хирот пири, ансорийлар сараси,
Аллох назар этган, кудсий нафаси.
Хиротнинг пири муршиди, ансорларнинг улуги, юксак мартабаларнинг эгаси, Аллох

Таолога макбул бўлган Хазрат Хожа Абдуллох Ансорий (уларнинг сирлари мукаддас бўлсин), шундай мархамат килган экан: “Сен Аллохнинг дўстларидан бири бўлишга харакат кил, агар шундай бўлолмасанг, унинг дўстларининг дўсти бўлишга харакат кил. Буни хам килолмасанг, агар шу тоифа одамларнинг сўзларини эшитсанг, гарчи улар сенга хеч бир таъсир ўтказмаса хам, сен уларга бошингни кимирлатиб кўй. Борди-ю шу хам кўлингдан келмаса, унга душман сифатида якинлаш. Негаки кўплар Унга душман либосида якинлашдилар, унга якин келишган пайтда эса, устларидаги либослари дўстлик сифатига алмашинди. Демак, кандай йўл билан бўлмасин, Унга якин бўлишга урин. Масалан, Хазрат пайгамбаримизнинг кўплаб хурматли сахобалари мусулмон бўлганларигача Унинг хузурига душман сифатида келишган эди, Мухаммад Мустафо (с.а.в.) самимий сухбатлари туфайли душманлик дўстлик билан, жохиллик ислом билан, зулмат ёруглик билан алмашди. Худди шунингдек, кўпгина Унга шак келтирадиган одамлар ўз эътикодсизликларини билдириш учун буюк одамлар олдига келишганда, ишончсизликлари худди шундай Аллохга иймон келтириш билан алмашди. Бу тоифа одамлари хакидаги китобларда шу фикрни тасдикловчи кўплаб хикоя ва ривоятлар келтирилган. Демак, агар биз ўша одамлар тоифасидан бўлолмасак хам, хеч бўлмаса уларни мактовчи ва мадх этиб зикр килгувчи бўлайлик. Бу чиндан-да улуг иш, унга хар кандай истеъдодсиз одам хам бундай бахтга муяссар бўлавермайди. Бу тоифа вакилларининг хаёт йўлларини баён килиш хакида ўйлаш, мулохаза юритиш бошка ишлардан кўра яхширокдир.
Байт:
Фикринг азиз ўзгаларнинг жамолидан,
Хаёлинг хам менга ширин висолидан.
Бу тоифадагиларнинг тўлик зикрини когоз юзига туширишга мен факир банданинг хаддим сигмайди. Шундай экан, бу мухтасар тарихда улар хакида Аллох иродаси билан бир неча сатр умумий тарзда битишга уриндик, харкалай бу яхши вактда кишига хотиржамлик ва кўнгилга тасалли беради.
Рубоий:
Жоним, лабим номинг айтиб толмагай,
Сенинг ёдинг эсдан чикиб колмагай.
Ой юзингдан хар каерда сўз кетса,
Ундан ўзга сўзни кулок олмагай.

**Мусулмон дунёсининг нури ва шайхулисломи Хазрат Мавлоно Абдурахмон Жомий (Аллох рахматига олган бўлсин) зикрида**

Султон Хусайн мирзо замонида яшаган авлиёи бузруквор, муршиди олий зотлар орасида хаммадан улуги, ислом дунёсининг нури шайхулислом Мавлоно Абдурахмон Жомийдир (Аллох ул зотнинг кабрларини нурафшон килсин).
Унинг улуглиги шу даражадаки, мен факир бандага ўхшаш кишининг таъриф килмогига мухтож эмасдир. Гарчи, у таъриф-тавсифдан юкори турса-да, бу ерда унинг айрим холат ва силсилалари баён килинади. У Мавлоно Саъдиддин Кошгарийнинг муриди, бу –

Мавлоно Низомиддин Хомушнинг муриди, бу эса – Хожа Алоуддин Атторнинг муриди, буниси эса – муршидлар пешвоси, сўфийлар сарвари, Аллохга якинлашиш занжирининг бош халкаси, хак йўлни танлаган бандаларнинг киблагохи Хожа Бахоуддин Накшбанд (унга Аллохнинг рахмати ёгилсин)нинг муриди эди.

**Мавлоно Саъдиддин Кошгарий (Аллох рахматига олган бўлсин) зикрида**

У Кошгардаги улуг инсонлар авлодидан эди. Уларнинг авлодида олимлар, такводор уламолар, солихлар ва авлиёлар бўлган. Шулар жумласига Шайх Саид Кордгарнинг муриди Шайх Хабиб, Шайх Саид Мужтабо Мужаррад, факир банданинг тўртинчи бобоси амир Саид Ахмадлар киради. У кичик ўгли амир Саид Алини Шайх Хабиб хузурига олиб боради, мулокот пайтида бола инжиклик килиб, ниманидир талаб кила бошлайди. Отаси канча юпатишга уринмасин, унамайди. «У нима деяпти?» деб сўрайди шайх. «У, оч колдим, деяпти» деб жавоб беришади. Сухбат тут дарахти остида бўлиб ўтади, ўша тут дарахти хозир хам бор, мен факир ўша маълум ва машхур дарахтни зиёрат килганман. Шайх Хабиб кабрини зиёрат килишга келган хар бир одамга шу вокеани айтиб беришади ва дарахтни кўрсатишади.
Шайх хаёлга чўмади, шу пайт дарахтдан иссиккина юм-юмалок нон тушади. Шайх уни олиб, амир Саид Алига беради ва бу сенинг насибанг, буни хеч ким билан бўлишмайсан, дейди. Шубхасиз, амир Саид Алининг бахтли хаётида юз берган барча хайрли ишлар Шайхнинг ўша мархамати туфайлидир. Киссадан хисса шуки, Мавлоно Саъдиддин наслида Кошгарда кандай улуг одамлар бўлганлигини таъкидламокчи эдик.
Мавлоно Саъдиддин хазратлари йигитлигида Кошгардан четга чикиб турган. Улугбек атрофидаги обрўли олимлардан бири, асли кошгарлик Мухаммад Аттор хазратлари айтган эдилар: «Биз Мавлоно билан Самаркандда кўп бирга бўлардик, чунки икковимиз хамшахар эдик. Илм ўрганиш билан шугулланардик, кўплаб кундалик ишларимизни бирга килардик. Бир куни талабаларимиз, фалон махаллада Шайх Сирож исмли бир шайх пайдо бўлипти, деб колишди. Одамлар тез-тез унинг ёнига келиб туришаркан, у одамларни нима топса шу билан, нон, тоза узум шинниси билан сийларкан. Биз хам Мавлоно иккимиз шайх ёнига нон билан шиннидан татиб кўриш учун бордик.
Байт:
Хаммамизни кўз-кошимиздан ўпиб,
Иззат-ла ўткизди, эхтиром этиб.
Егуликдан борини келтиришди, бу – ўша макташган, бехад ширин шинни билан нон эди. Мен оч эдим, зўр иштаха билан нон ейишга тутиндим, Шайх билан Мавлоно Саъдиддин сухбатга берилишди. Нон ва шиннининг лаззати мени уларнинг сухбатидан гофил колдирди. Бир вакт хушимга келиб карасам, Мавлоно йиглаяпти, сухбатга берилган шайх кўлини кигизнинг каерига кўйса, ўша ердан тутун чикиб, ўша ер куярди. Буни кўргач, мени кўркув ва вахима камраб олди-да, ўтиролмай кетиб колдим. Мавлоно Саъдиддин ортик кўринмади. Хужрасининг эшиги узок вакт кулфлоглик турарди. Шундан кейин бир неча йил ўтгач, унинг шухрати Хуросонда ёйилди.

## Мавлоно Низомиддин Хомуш (Аллох унинг сирларини мукаддас килсин) зикрида

Камина бир ишончли улуг одамдан эшитган эдимки, Мавлоно Низомиддин Хомуш Хожа Алоуддин Атторнинг муридига айланиш бахтига муяссар бўлгунга кадар бехад такводор покдомон бўлган ва мудом Чокардиздаги факихлар масжиди остонасида ўтириб, шайх Абул Мансур Мотурудий рухига сигинар экан. Унинг тасаввурида Шайхнинг рухи одам киёфасида панжара ортида бошига рўмол ёпилган холда пайдо бўларкан-да, унга таълим бера бошлар экан. Мавлоно хазратлари Хожа Алоуддин сухбатига ноил бўлгач, у: «Агар мен, Худо кўрсатмасин, ўша машгулотга берилмаганимда, чинакам эътикодни саклаш менга кийин бўларди» деган экан. Нихоят бизга маълум бўлдики, у жуда кўплаб кароматлар кўрсатган ва гаройиб ишлар содир килган, булар Абдурахмон Жомийнинг «Нафахот ул-унс» асарида битилган. Мавлоно Низомиддин хакидаги бошка хикоятлар Хожа Алоуддин хазратлари хаётининг зикрида келтирилади.

## Хожа Алоуддин Аттор (Аллох унинг гўрини хушбўй хидларга тўлдирсин) зикрида

У Бухорои Шарифнинг бадавлат  одамлари наслидан бўлиб, либосини покиза тутишга харакат киларди. Камина унинг ўгилларидан биридан эшитган эдимки, Хожа Алоуддин улуг хожа Хожа Бахоуддин Накшбанд (Аллох унинг пок рухини мукаддас килсин) хузурига келганида, унинг кўнглида улуг ниятлар ва нихоясиз талаблар бор эди. У кабул килишларини сўраганда Хожа: «Агар бизнинг кабул килишимизни истасанг, кушхонага бориб, молнинг корнини тескари килиб, бошингга кўйиб, бу ерга олиб келишинг керак» деди. Хожа Алоуддин, азбаройи истаги кучлилигидан шундай килди – молнинг корнини дўпписи ва салласи устига кўйиб келди. Корин ичидаги нарсалар йўл бўйи хар томонидан тўкилиб томчилаб борди, шу ахволда у бозор ичидан ўтди. Одамлар унга таъна килиб, масхаралаб устидан кулишарди. У Хожа хузурига шу ахволда келди. Хожа уни кўриб ахволига рахми келди-да, кабул килди.
Охири шу даражага етдики, Хожа хазратлари ўз толиб муридларининг барчасини Хожа Алоуддин сухбатига боришга буюрадиган бўлди ва Хожа Алоуддин менинг кўп юкимни енгил килди, деди. Бу хикоят «Нафахот ул-унс» (Дўстлик эпкинлари)дан олинди. «Силсилат ул-орифин» асарида ва Мир Абдол Аввалнинг «Жамъ» (Тўплам)ида кўрсатилишича, Хожа Накшбанддан кейин унинг барча издошлари Хожа Алоуддинни токи Хожа Мухаммад Порсо алайхи рахматгача пир сифатида эътироф этишди.
Хожа Накшбанд хазратлари ва унинг шайхлари хаётига тегишли айрим маълумотлар у хакда сўз борган пайтда кейинрок зикр этилади, иншооллох. Хазрат Мавлоно Абдурахмон Жомий Мавлоно Саъдиддиндан кейин Хожа Убайдуллох хазратларига кўл берган экан, бу унинг кўплаб асарларида айтилган. Факир банда хазрати махдуми Нуро Хожа Шахобиддин Махмуддан эшитган эдимки, у Хожа Хованд Махмуд номи билан

танилган, бу мухтасар тарихнинг каерида хазрат хакида гап кетса, у оддий килиб Махдуми Нуро деб аталади, у айтган эдики, хазрат Мавлоно Абдурахмон Жомий хазрат Хожа Убайдуллох хузурларига кўл бериш учун келганда, унга газал ўкиган экан, унинг матлаъи  мана бундай экан:
Кексайган юзларимни итинг изига сурай,
Оппок сочларим билан бўсагангни супурай.
«Нафахот ул-унс»нинг бир ерида Жомий ёзган эди: «Хазрат Хожа Убайдуллох (Аллох унинг пок рухини мукаддас килсин) каминага ўзининг Хуросондан Хисорга келгани хакида хикоя килатуриб шундай деган эди: «Хисорга карашли Халфатудаги Мавлоно Яъкуб билан учрашувимизда у менга каттиккўл, менинг унга интилишимни кесиб ташламокчи бўлгандек туюлган эди. Ўзимча фикрлаб, айтдимки, узок жойдан мислсиз кийинчиликлар билан мана шу буюк одам сухбатига ноил бўлиш учун келдим, бу каттиккўлликнинг, эхтимол, сабаби бордир. Бунинг сабаби, эшитишимга караганда, Чагониёнда айрим мутаассиб кишилар у хакда нолойик сўзларни айтишгани ва бу сўзларга токат килгани бўлса керак. Шуларни ўйлаб ўтирганимда хазрати Мавлоно рўпарамда гўзал, жозибали киёфада пайдо бўлдики, уни беихтиёр кучоклаб олишни хохладим». Гап шу ерга етганда хазрати Хожа Убайдуллох тасаввуримдаги пирим Мавлоно Саъдиддин киёфасида кўрингандек бўлди, унинг бу ёруг оламдан кўз юмганига канча вакт ўтган эди. Уни бундай киёфада кўриб хайратда колдим. Ишончим комилки, у: «Иккинчи марта у менга бехад жозибали кўринди» деган сўзларининг исботи учун атайлаб ўз киёфасини ўзгартирди.
Хазрат Эшон Убайдуллох хам Хазрат Мавлоно Жомийни кадрлар эди. Хазрат Мавлоно ёшлик пайтида илм эгаллашга роса ружу кўйиган ва шу даражага эришган эдики, Шохрух мирзо замонасида, Мовароуннахр ва Хуросонда бешта энг улуг уламо бор эди, уларни «Хамсаи мустажир» (беш бузруквор) деб аташарди. Булардан биринчиси – хазрати Мавлоно Абдурахмон Жомий; иккинчиси – Мавлоно Довуд Хисорий; учинчиси – Мавлоно Шайх Хусайн мухтасиб; тўртинчиси – Мавлоно Шамсиддин Бахрободий; бешинчиси – Мавлоно Бурхониддин эди.
Ўша кунларда хазрати Мавлоно Жомий мажозий ишк – мухаббатга мубтало эди ва бу холат уни хеч качон тарк этмади. Унинг биринчи девонига кирган шеърлари ўша пайтда яратилган эди. Дархакикат, унинг биринчи девонида бу ўзига хосликни хайрат билан кузатиш мумкин.
Хазрат Мавлоно Саъдиддин мудом Маликон масжиди ёнида жойлашган Бодгиз гузарида ўтирарди. Ушбу масжидда ўша гузар номи билан Бодгизак деб аталувчи эшик бор.
Ана шу эшик олдида ўтирарди. Хазрат Мавлоно Жомий бу гузардан тез-тез ўтиб турарди. Мавлоно Саъдиддин бир куни айрим издошларига: «Бир лочин бор, шу ердан тез-тез ўтиб туради – у канака бахт-икбол сохибининг тузогига илинаркин?» деган ва Мавлоно Абдурахмон Жомийга ишорат килган. Охири хазрати Мавлоно Жомий унинг издошлари каторидан жой олди. У хамма нарсадан воз кечиб, бутун фикри-зикри билан Мавлоно Саъдиддин Кошгарий хизматларига берилди ва олти ой муддат ичида бошка одамлар билан мулокотни батамом унутди. Шундан сўнг у пирининг рухсати билан мукаддас сафарга йўл олди ва иккита табаррук шахар – Маккаю Мадинани зиёрат килиш бахтига муяссар бўлди. Унинг ўша ёкда битган бехад гўзал касидалари ва шеърлари бор, айникса, Мадинага якинлашаётганда ёзган касидаси ўта нафис. Мана унинг биринчи байти:

Бу замин манзили жононим эрур,
Йўлида сарви хиромоним юрур.

Абдурахмон Жомий икки марта Хазрат Эшон – Хожа Убайдуллох Ахрорни зиёрат килмок учун Мовароуннахрга келди.

Хазрат Махдуми Нуро айтган эди: «Хазрат Эшон Убайдуллох хали тирик пайтларда бир куни Самаркандда бетоб бўлиб колдим. Даволаниш учун Хуросонга кетдим, ўшанда Хазрат Мавлоно Жомийнинг уйларида бўлдим ва ундан сабок олдим. Ўша кунлари менда кизамик бошланди. Ўша пайтда табибларнинг устози Кутб Адам мени даволаш билан машгул бўлди. Кизамик бехад зўрайиб, бир куни тонг махали ўлишимга оз колди. Менинг ахволим хакида Мавлоно Жомийга хабар килишди. Мавлоно хаммомда экан. У шу кадар кўркиб кетгандан кўйлагини хам киймасдан, бошига сочикни ёпиб, унинг устидан салласини ўраб, ялангоч баданига пўстинини илиб югуриб келди. У бош томонимга ўтириб мендан: «Нима бўлди, Махдумзода?» деб сўради. Мен у билан ўлим олдидан видолашдим ва ундан розилик сўрадим.

Хазрат эса: «Эй Махдумзода, ташвиш чекманг, хечкиси йўк» дея бошини куйи солди ва шу холатда узок ўтирди. Бу орада мен ўзимга разм солиб, ташвишга арзийдиган хеч нарса сезмадим, ўрнимдан туриб ўтирдим. Хазрат Мавлоно бошини кўтариб, кулимсиради-да: «Махдумзода, хечкиси йўк, деб айтмовдимми, деди. – Аллохга шукр, мана, соппа-согсиз, мени кўркитиб юбордингиз. Мен бундан гоятда хаяжонландим». Кейин у ўрнидан турди-да, кетди. Мен эса батамом согайдим, Мавлоно Кутб Адамга мухтожлигим колмади».

Хазрат Мавлоно Жомий гоятда камгап одам эди, борди-ю бир-икки жумла айтса хам, унда бирорта кочирим ёки хазил бўларди. Хазрат Махдуми Нуро айтиб берган эдиларки, бир куни хазрати Мавлоно Жомий Самаркандга, хазрати Эшон Убайдуллох хузурига келганларида, Эшон хазратлари Мавлонони Мотуридга олиб борган ва Самарканд узумининг навлари машхурдир, деганлар. У богбони Мавлоно Хожи Косимга: «Мавлоно учун сохиби, хусайни ва фахри узумларидан келтиринг» деганлар. Узумни олиб келишганда хусайни ва сохиби навларини жуда яхши, деб топишди. Эшон Убайдуллох айтдиларки: «Мен Хуросонда еган фахри узуми жуда ширин эди, шунинг учун Хуросондан фахри каламчасини келтириб, шу ерда ўстирдим, аммо у бу ерда унча яхши бўлмади – бўлгани мана шу кўриб турганингиз». Хазрат Мавлоно Жомий Хожи Косим тарафга бурилиб: «Самарканд замини – мехмондўст эмас» деди. Жомий биринчи бор Самаркандга оддий одам сифатида келганида, аллакандай самаркандлик унга хаммомда: «Эй хуросонлик, хаммомга пўстинда кирадими одам?» депти. Хазрат Мавлононинг муборак бадани мўйдор экан. Мавлоно унга караб: «Самаркандликларнинг совуклигидан хатто хаммомда хам пўстинни ечиб бўлмайди», деган экан. Унинг бундай киноя-кочирмалари бутун оламга машхурдир.

Бу мухтасар тарихда бундан ортигини сигдириб бўлмайди. Хожагон вакиллари одатига кўра, Мавлоно ўз сулукларини нихоятда махфий тутар эдики, шу жихатдан мурид олмокни истамаган. Умрининг охирида у: «Улугларнинг нисбатлари бизга омонат эди, пинхон сакламок учун бу ишни килмадим. Аммо охири маълум бўлдики, яхши иш килмаган эканман. Сўфийлар силсиласини узмай давом эттириш лозим экан», деган.

Ўз даврининг улуг олими Мавлоно Абдулгафур Лорий хазрати Мавлоно Жомийнинг шогирди эди. Хазрат Мавлоно уни кабул килгани маълум. Мавлоно Лорий «Нафахот ул-унс» асарига «Шарх» битган. Бундан ташкари у «Тазкирайи Мавлоно Жомий», яъни «Шарх»га кўшимча ёзган, у ерда унга кўл берганини ва бунинг Мавлоно томонидан кабул

килинганини баён килган. Мана ўша ёзувлардан бир парча: «Бир куни мен Мавлоно билан ёлгиз колишга муяссар бўлдим ва унга, одамларнинг келди-кетдисидан, уларнинг дарс, тушунтириш талаб килишларидан толикдим. Бутун вактимни шулар банд килганидан сиз буюрган хайрли вазифани бажаришга вакт тополмайман. Нима килсам бўлади?» деб сўрадим. Мавлоно: «Факат ўзингизни деб олам элини Аллох оламидан чикариб ташлаб бўлмайди. Хар кандай холатда хам одам ўз иши билан шугулланиши керак. Мана бугун мен хаммомга бориб келиб, «Юсуф ва Зулайхо» достонидан икки юз байт назм килдим. Уйга келиб ўтилиши лозим дарсни ўтдим. Ундан кейин назм килган байтларни когозга туширдим, «Нафахот ул-унс»дан бир фаслни ёздим, аммо миямдаги фикр мени бир лахза хам тарк этмади, каламим одат бўйича харакат килаверди. Сиз ўз ишингиз билан хам шугулланинг, одамларни хам ўзингиздан четлаштирманг» деди. Хазрат Мавлоно Жомий 898 (1492) йилда бу фоний дунёдан абадиятга рихлат килди (Аллох уни ўз рахматига олсин). Олимлар унинг вафоти санасини «Ашъори дилфиреб» («Жозибали шеърлар») сўзларида топишди, яъни шу сўзлардаги харфлар йигиндиси 898 санасини беради. Унинг асарларидан энг машхурлари куйидагилар: «Шавохид ан-нубувват», «Нафахот ул-унс», «Хафт авранг» («Етти тахт»), – етти китобдан иборат шеърий асар; «Шархи кофия», «Шархи Мулло» номи билан машхур, кирк хадиснинг назмий шархи – «Арбаъин», «Лавойих», «Шархи ламаъот», «Шархи Фусус ал хикам», «Шархи мимийаи хамарийаи ибн Фариз» («Ибн ал Фаризнинг «мим» кофияли «Май касидаси шархи»), «Шархи рубоийот», учта девон, «Рисолаи муаммо ва иншо» ва бошкалар бўлиб, уларни Мавлоно Абдулгафур Лорий «Нафахот ул-унс» шархига кўшимча»да келтирган ва булар одамлар орасида машхур асарлардир. Мавлононинг вафотидан кейин бир нечта коралама когозлар ёстиги остидан топилган бўлиб, бунгача уларни хеч ким кўрмаган, улар орасида икки парча битик хам бор экан. Айтишларича, хазрати Махдуми Нуро уларни камина учун ёзган экан, улар Султон Саидхон хаётининг сўнгги кунларидаги вокеалар баёнида келтирилади.

**Мавлоно Алоуддин мактабдор (Аллох рахматига олган бўлсин) зикрида.**

Ўшандай одамлардан бири хазрати Мавлоно Алоуддин мактабдордир. У хам Мавлоно Саъдиддин Кошгарийнинг муридларидан хисобланади. Бутун Хуросон халки унинг буюклигини тан олади. Бугунги кунда Бухорода машхур, олам ахли буюклигини тан олган Мавлоно Али Бовардий хам Мавлоно Алоуддиннинг муриди. У киши хожагон силсиласининг хаёт кечинмаларини Хожаи Жахон Хожа Абдулхолик Гиждувонийдан тортиб то ўзининг пиригача ёзган ва у ерга Мавлоно Алоуддин томонидан килинган ажойиб-гаройиб ишлар, кароматларни киритган. Унда ёзилишича, у Хижозга сафар килган ва Шайх Абдулкабир Яманий билан сухбатлашган.

**Мавлоно Шамсиддин Мухаммад Завжий зикрида.**

Мавлоно Шамсиддин Мухаммад Завжий (Румий) хам шулар жумласига киради. У хам Мавлоно Саъдиддин Кошгарийнинг муриди. Ушбу силсилаи алайхининг ахлларидан маълумки, бир куни хазрати Мавлоно Саъдиддин Шайх Бахоуддин Умар хузурларига борипти. Унга Мавлоно Мухаммад Завжий хам хамрох бўлган. Сухбат асносида Мавлоно Мухаммад Завжий (Румий)нинг хаёлидан кечибдики, бизнинг ибодат пайтидаги Унга илтижоларимиз – бу Мислсиз Аллохга илтижоларимиз экан, бу нарсага биз кандай килиб «качон», «кай тахлит» деган саволларсиз эришамиз? Бу фикр Мавлонога анчадан бери тинчлик бермасди, хозир эса, у бу хакда ўйлагани захоти Шайх Баховаддин Умар айтдики, Унинг Мислсизлиги ва Ўхшаши йўклигига сигинмок керак, ана шу сигиниш, илтижодан сўнг кишида бир хузур, хотиржамлик пайдо бўлса, бундан сўнг нима килиш кераклигини Ўзи кўрсатади. Мавлоно хурсанд бўлиб, кўнгли жойига тушди. Унинг хузуридан чикканларидан кейин Хазрат Мавлоно Саъдиддин: «Шайх хозир жазава холатида, у камолотга етишиш боскичларини билмайди. Бу сўзларингиз менга аввалдан маълум эди, аммо мен саволингизга жавоб бермаган эдим, чунки бу ўй-фикрларингиз Аллохга якинлашувингизда кўмак берган бўларди. Бу камолотга етишнинг омилидир, шу сабабли индамаган эдим. Бу фикр хаёлингизга келиб колди-ю Шайх дархол бунга жавоб кайтарди, ана энди сиз бу ишга тиришиб интилмайсиз. Масала ойдинлашган бўлса-да, аммо сизнинг камолотга интилишингиз зарар кўрди» деди.

**Хожа Абдулазиз Жомий (Аллох рахматига олган бўлсин) зикрида.**

Хожа Абдулазиз Жомий хам ўша инсонлар жумласига киради. У хаж сафарига отланганда, кўплаб олиму фозил одамлар унга хамрох бўлишган, ана шу сафарлари машхурдир.

**Шайх Пурон (Аллох рахматига олсин) зикрида.**

Шайх Пурон хам ўша улуглар тоифасидан, у Жалолиддин Боязид Пуроннинг ўгли, у хакда «Нафахот ул-унс»да шундай ёзилган: «Мавлоно Жалолиддин айтиб берган эдики, илгари шахардан биз томонга ким йўлга тушса, менга олдиндан маълум бўлар, унинг кўнглидаги фикрларини хам олдиндан билиб олардим. Уни кутиб олишга керакли хамма нарсани тайёрлаб, уни кутиб турардим. У келгач, уни куттирмасдан керакли нарсаларни олдига кўярдим. Бир куни аллакандай турк бир нечта пишлок келтирди ва булар халол, есангиз бўлади, деб мени ишонтиришга уринди, хар канча узр айтсам хам, у мени зўрлайверди. Уни хотиржам килиш учун битта пишлокни иккига бўлдим-да, уни хам икки бўлиб, уни хам икки бўлиб, ярмининг ярмини едим. Ўшандан бери халиги кобилиятим

йўколди. Энди мен уйимга ким келади, кўнглида нима ўй-фикр бор, билмайман, у келиб, нима тайёрлаш кераклигини сўраб билганимдан кейингина тайёргарлик бошланади. Шу сабабдан одамларни куттириб кўйишга тўгри келяпти».
Унинг одати шундай эдики, уйига келган кишини бор нарса билан мехмон киларди, шундан сўнг нима тайёрлаш кераклигини сўрарди, албатта нимадир буюртма бериш лозим эди. У хаммасини гоятда тез тайёрлар, буюрилгандан кўп нарсани олиб келар, егуликларни нозик такаллуфлар билан кўяр эди. Кўпинча дастурхонни ўзи ёзиб, егуликларни кўярди. Отам Хуросонга борган пайтида у бир неча бор Шайх хизматига мушарраф бўлган, мени хам кўпинча бирга олиб бориб, дуо килиб кўйишини сўрарди.
Шохибекхон Хуросонни олганда, юкорида зикр этилган Султон Ахмад мирзонинг амирзодаларидан Мир Мўгул деган хийла танилган шоир туркий шеър битипти:
Олма оламники оламда басе гамлар бор,
Ол кўнгул мамлакатин, кўрки не оламлар бор.
Ушбу шеърни Шохибекхонга ўкиб берганида, у шеърни жуда мактабди ва: «Фирдавсий Султон Махмуд Гозий Газнавийга олтмиш минг байтдан иборат «Шохнома»ни айтган, Султон Махмуд бунинг учун ўттиз минг динор берган. Сен бир байт айтдинг, мен сенга олтмиш минг шохрухий бераман» депти. Ўшанда Шохибекхон ана шундай улуг Шайх Пурондан олтмиш минг шохрухийни мусодара килишга карор килган эди, аммо хали у пулларни олиш учун одам бормаган эди. Мир Мўгул тиз чўкиб: «Агар ўша пулларни олиш учун фармони олий берсангиз, менга тортик килинган микдордаги Шайхнинг пулларини мен тухфа сифатида кабул килиб, ўз хожатимга сарфласам» деди. «Мен сенга ўша пулларни хазинадан накд бермокчи эдим, модомики ўзинг шу карорга келган экансан, майли, шундай бўлаколсин» деди хон. Мир Мўгул мусодара учун фармон ёрлигини олди ва ушбу мусодара тафсилотини хам, пул олиш учун берилган фармонни хам хеч кимга айтмади. Аммо анча муддат ўтгач Мир Мўгулнинг канчалик олийжаноблик ва одамохунлик килгани хаммага машхур бўлди.

**Мавлоно Абу Саид Убахий зикрида.**

Мавлоно Абу Саид Убахий хам шу инсонлар жумласидан бўлиб, у хазрати Эшон Убайдуллохнинг муридларидан эди, ўша даврда Хуросон эли ўртасида машхур эди. Мен бир неча марталаб отам билан остоналарини ўпиш бахтига муяссар бўлган эдим, у киши эса факир бандани ўз дуолари билан сарафроз килган эди.
Мен хазрати Махдуми Нуро (Хожа Шахобиддин Махмуд)дан эшитган эдим. У менга мана бу вокеани айтиб берган эди: «Бир куни бир гурух одамлар хамрохлигида бир тогнинг этагида эдик, мен ялангоёк эдим ва ўша ерга ўтирдим. Хазрат Мавлоно Абу Саид тог тепасига чикиб айланиб юрди. Унинг гапни ўйламай гапирадиган хамрохларидан айримлари: «Мавлоно худди тог эчкисидек юрипти» дейишди. Мавлоно пастга тушгач, у ўша одамга караб кулимсиради-да: «Биз тог тепасида худди тог такасидек юрдик, эхтимол, Сиз хам кўргандирсиз?» деди.

**Мавлоно Муъин Воиз зикрида.**

Мавлоно Муъин Воиз хам ўша одамлар жумласидан бўлиб, у Мавлонозода Фарохий номи билан машхурдир. Унинг муридлари ва дўстлари кўп. Бутун Хуросон халки унинг буюклиги ва пешволигига койил колган.

**Мавлоно Хожа Кўхий зикрида.**

Мавлоно Хожа Кўхий хам шулар жумласидан. Эсимда бор, бир куни Маликон жоме масжидида намоздан сўнг тахорат сочигини елкасига ташлаб, икки учини олд томонидан тугиб, киблага юзланганча мурокабага кетди. Юзида хайрат ва хузур нишонаси зохир бўлди. Отам ўша ерда ўтирганлардан унинг кимлигини сўради. «Бу Мавлоно Хожа Кўхий», деб жавоб беришди. Отам (Аллох унинг мартабасини улуг килсин), Мавлоно ташкарига чикмок учун ўрнидан тургунча сабр-токат билан кутиб турди. Кейин унга якинлашиб, хурмат-эхтиром билан эгилди ва унинг эътиборига сазовор бўлди. Камина хам отам шарофати билан унинг кўлини ўпишга мушарраф  бўлдим, отам у кишидан мени дуо килишини илтимос килди, дуо килиб, кейин Мавлоно кетди. Шундан сўнг бир неча марта унинг мулозаматида бўлди.

**Хазрат Хофиз Махмуд Зиёратгохий зикрида.**

Хофиз Махмуд Зиёратгохий хам шулар жумласидандир. У шайх Зайниддин Хавофийнинг халифаси, шайх Зайниддин эса шайх Нуриддин Абдурахмон Мисрийнинг муриди, бу эса бир нечта восита оркали шайх Шахобиддин Сухравардийнинг муриди хисобланади. Шохибекхон истилоси пайтида у хали тирик эди, отам мулозаматларига борганда бу факир банда уни кўришга мушарраф бўлган эдим, муборак юзларини элас-элас эслайман.
Султон Хусайн мирзо даврида улуг ва табаррук инсонлар кўп эди. Мен уларнинг хаммалари билан хам учрашиш бахтига муяссар бўлмаганман, шунинг учун уларнинг килган ишларини керагича билмайман. Лекин уларнинг таъриф-тавсифларини ишончли одамлардан эшитганман, чунончи, Мавлоно Абдурахмон Кордгар, Бобо Алишох, Шайх Хожи Мухаммад Кучоний, Мавлоно Шамс Мухаммад Маргоний, Дарвиш Пир Имод ва бошкалар хакида. (Аллох уларнинг рухларини мукаддас килсин).
Шулар сирасига кирувчи олимлар.
Султон Хусайн мирзо замонида яшаган бошка олимларга келсак, улар жуда кўп, хаммасининг шархи бу мухтасар тарихга сигмайди, шундай бўлса-да, табаррукка

уларнинг айримлари хакида бироз тўхталамиз.
Улардан энг улуги ва алломаси – шайхулислом, Мавлоно Саъдиддин Тафтозонийнинг набираси Мавлоно Саъдиддин Амир Темур даврида яшаган ва уламоларнинг пешвоси бўлган. Ундан сўнг Мир Саид Шариф Журжонийдан бошка унга ўхшаш олим дунёга келмади. Мир Саид Шариф хали ёш эди. Мавлоно Саъдиддин вафотидан ўн кунлар олдин Амир Темур мажлисида бир канча бахслар бўлган, ўша бахсларда кўпинча Мир Саид Шарифнинг кўли баланд келган. Бундан сикилиб Мавлоно касал бўлиб колган. Мир Саид Шариф уни кўргани борган. Бир мушук келиб Мир Саид Шарифга суйкалиб, эркалана бошлаган. Мир Саид Шариф уни олдидан хайдаган. Мавлоно Саъдиддин Мирга: Пайгамбаримизнинг «Мушукни дўст тутмоклик – иймон нишонаси» деган хадисларини эшитмаганмисиз, нега мушукни хайдайсиз?» деган. Шунда хазрати Мир Саид Шариф: «Нега сиз хадисни тўгри ўкимайсиз, яъни мана бундай килиб: «Мушукнинг мехри – инсон иймонидандир».
Бу жавобдан Мавлоно ўта хижолат бўлган ва шу нарса дардининг огирлашувига сабаб бўлиб, шу билан оламдан ўтган.
Шайхулислом (Сайфуддин Ахмад) Султон Хусайн мирзо хукмронлиги давридан бошлаб то Шох Исмоилнинг Шохибекхон устидан галаба килгунига кадар шайхулислом эди. Шох Исмоил истилоси вактида шахид бўлди. Бунинг баёни мавриди билан келади. Шу муддат ичида у шунчалик такво, диёнат ва авлиёлик кўрсатдики, Шайхнинг сўзларига эътироз билдиргулик зот топилмас эди. Ўша даврнинг кўплаб уламолари унинг шогирдлари эди, улар унинг шогирди бўлганликларидан гурурланиб юришарди.
Камина уламолардан эшитган эдимки, Шайхнинг бехад машхурлиги боис, у мудом турли тоифадаги кишиларни кабул килиш, уларнинг муаммоларини хал этиш билан машгул бўлган, шу сабабли, у баъзан дарсларни хам ўтолмас экан. Масалан, Мавлоно Асомиддин Иброхим, Мир Мухаммад, Мир Юсуф, Мавлоно Шамсиддин Мухаммад Бахрободий сингари йигирма бешга якин таникли донишманд уламолар шайхулислом хузурига келиб, илм ўрганиб китоблар битишган.
Шайхнинг мажлисларида бахс-мунозаралар килишиб, баъзан икки гурухга ажралиб, бир-бирларига эътирозлар килишарди. Кўпинча шундай бўлардики, шайхулислом у фикрниям, бунисиниям рад килиб, учинчи хулосани айтарди ва хамманинг шу хулосани кабул килмокдан ўзга чоралари колмасди. Гарчи улар мунозарада уста бўлишса-да, гохида бирорта масала юзасидан хаммалари факат битта хулоса чикаришарди. Шайх эса бошка ечимни таклиф этар ва хаммани ўз фикридан кайтишга мажбур киларди.
Шайхулислом хузуридан кетаётганда уламолар: «Инсоннинг хаётда шунчалик кўп билимни тўплаганига хайрон коласан киши!» дея хайрат изхор килишарди. Шайхнинг дарслари йигирма тўрт йил давомида шу тарика кечди ва бу олимлар хамиша Шайхга мухтожлик сезишди.
Отам Хуросонга келганидан кейин бир неча кун ўтгач, бола тўрт ёшу тўрт ою тўрт кунлик бўлганда мактабга бериш одатига кўра мени мактабга бермокчи бўлди ва ок фотиха олиш учун аввал шайхулислом олдига олиб борди ва у кишидан менга сабок беришни сўради. Шайх: «Аллох енгиллик беради» деб ёзди ва гоятда мулойимлик хамда мехрибончилик билан мени тиззасига ўтказиб, ширин сўзлар билан менга сабок бердики, ўша пайтдан бери ўттиз саккиз йил ўтган бўлса-да, Шайхнинг муборак юзи, унинг сабоклари ва мехрибончилиги накши худди тошга ўйилгандек хотирамда колган. Ишончим комилки, ўша сабокларнинг шу кунларгача етиб келган шарофати бу дунёда хам, охиратда хам етиб туради, иншоллох.

Беназир олим Мир Муртоз хам бўлган эди. Яна бири – Хожа Мавлоно Исфахоний хадис билимдони ва уламолар пешвоси бўлган. У Ирокдан кочиб келган, бунинг сабаби мана бундай эди: Илгари айтиб ўтганимиз, мухтасар баёни хали яна келадиган бадбахт Шох Исмоил бехад кахри каттик одам эди. У суннийми, жамоатданми, султонлар ёки амирларданми, уламоми ёки дехконми, ё оддий фукароми – ким бўлмасин, кўлига тушган одамни ўлдирарди. Хожа Мавлоно у катлдан кочиб, Хуросонга келган, кейин Мовароуннахрга ўтиб, ўша ерда колиб кетган эди.
Тагин жуда кўплаб уламолар ўтган, шулар жумласидан:  Мир Абдулкодир Машхадий, Мир Жамолиддин мухаддис, Мир Атоуллох, Мир Иброхим Машхадий, Мавлоно Максуд Ширвоний, Мавлоно Хамид Ширвоний, Мавлоно Асомиддин Иброхим, Мир Мухаммад, Мир Юсуф, Мавлоно Шамсиддин Мухаммад Бахрободий, Мавлоно Гиёсиддин Бахрободий, Мавлоно Ханафий, Мавлоно Иброхим Ширвоний, Мавлоно Шох Саид Ошик, Мавлоно Ахмад Румий, Мавлоно Мухаммад Ганжи, Мавлоно Ахмад Жандий, Мавлоно Мир Калон Табиб, Мавлоно Хожи Табризий, Мавлоно Муин Табризий, Мавлоно Садриддин Мухаммад Кандахорий ва хазрати Мир Абул Бакоки, унинг вужуди шарифидан хозир хам бутун олам мунаввардир, Хиндистондаги вокеалар баёнида хали у зот хакида тўхталамиз. Ўша даврда у Хиротдаги буюк инсонлардан бўлганликлари боис отам у кишининг падари бузрукворлари Абдулбоситнинг зиёратига бир неча марта борган эди. Мавлоно Абдулгафур Лорий исмли таникли олим хам бўлиб, Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий зикрида у хакда гапирган эдик. Мавлоно Лорий бехад бетакаллуф, оддий, кўнгли очик одам бўлган.
У кишининг муборак хотирига донишмандлик кибри губори кўнмаган эди. Дунёнинг турли бурчакларидан Хиротга кандай олим келса, хатто у Мавлонога шогирдликка лойик бўлмаса хам, унинг ишларининг ривожи учун Мавлоно унга таълим берар, неча кунгача китобларини кўлтиклаб, кўча ва бозорларда бирга олиб юрар эди.
Хуросонда олимлар кўп эди, уларнинг номлари ва хаётларини муфассал баён киладиган бўлсак, хикоямиз чўзилиб кетади. Тагин кўплаб олимлар бўлганки, факир банда уларни билмайман, шу боисдан юкорида тилга олинганлари билан чекланамиз.
Улардан – шоирлар. Ўша жаннатмисол замонда яшаган буюк шоирлардан юкорида масалан: Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг номини олимлар ва авлиёлар сафида тилга олиб ўтдик. Агар такрорга эътироз бўлмаса эди, олимлар ва шоирлар хакидаги фаслни Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг муборак номи билан бошлаш ўринли бўларди, шунингдек, Хуросон авлиёлари, олимлари, шоирларининг сардафтари хам Мавлоно Жомийдир. Хакикат шуки, каерда олимлар ва етук инсонлар хакида гап кетса, унинг номини кайта-кайта тилга олиш, сўзни ундан бошлаб, у билан тугатиш хамиша кўнгилларга хуш ёкади.
Мавлоно Абдулгафур Лорий «Нафахот ул-унс»га битган «Шарх»ида шундай деб ёзган: «Хазрат Мавлоно Жомий бутун умрлари давомида мажозий тимсоллар таъсири остида бўлдилар ва мухаббат куйи уларнинг кўнгил мулкларида салтанат дабдабаси ногорасини чалар эди. Умрларининг сўнгги кунларида, бир куни келсам, ёлгиз ўзлари эканлар. Тахорат олдилар, илгари мўй билан, чандиклару доглар билан копланган муборак билаклари шундай тоза, ялтирок эдики, бунакасини кўрмаган эдим. Мавлононинг кўллари мени хайратга солди. Мавлоно бошини кўтариб, менга караб дедилар: «Анчадан бери мен ўз ошиклигимни ўзим учун шундай намоён киламан, ўз хаёлимда кўнглим истаган тимсолни тасаввур киламан-да, унга махлиё бўламан. Анчадан буён битта тимсолни тасаввуримда яратиб, унга ўз мухаббатимни изхор киляпман. Мана бугун

мехрибон Раббим кўлларимни ўша хаёлимдаги тимсолнинг кўлларига ўхшатиб кўйди, хозир ўз кўлларимга махлиё бўлиб ўтирибман. Сиз айни шу лахзада келдингиз». Кейин тагин карасам, Мавлононинг кўллари кайта аввалги холига кайтиб колипти».
Хазрат Мавлоно Жомийнинг шеърлари шу даражада машхурки, бу мухтасар тасвирда уларни сўзимнинг исботи сифатида келтириб ўтиришга хожат йўк. Аммо унинг битта машхур бўлмаган газали бор, уни ёзишда шундай шарт кўйганки, биринчи байтдаги хамма сўзлар алохида харфлардан иборат бўлиши, яъни, хеч бир харф бошкалари билан бирикмаслиги, иккинчи байтдаги сўзлар икки харфдан, учинчи байтдаги сўзлар учта харфдан иборат бўлиб, бошка сўзлар билан уланмаслиги лозим, хуллас, шу тарика беш байтдан иборат газал шу тартибда ёзилган.
Рухи зард дорам зи даври он дар,
Зада доги дардам даруни дил озар.
Чу тан кост гўи шаби фуркати ту,
Чу махи нав ки бошад бадингуна логар.
Хатат Хизру жаъди кажат мушки Тибат.
Танат симу лаъли лабат тунги шаккар.
Ба жаннат наими, шахди мухаббат,
Бехишти мухаллад насиби мухаккар.
Ба лабхо малихи, ба талъат сабихи
Ба гуфтан фасихи, ба гису муанбар.
Таржимаси:
Эшигига бокиб юзим саргаяр,
Дардим доги дилга лахча ўт калар.
Айриликда танам шундай оздики
Мени кўрган янги ойга ўхшатар.
Мийик Хизру сочинг Тибат мушкидир,
Танинг кумуш, лабдан сочилар шакар.
Сен жаннат неъмати, мухаббат боли
Хулд номли жаннат хам сендан уялар.
Лабларинг малиху, юзларинг сулув
Нуткинг кўп фасиху, сочларинг анбар.
«Нафахот ул-унс»га ёзилган «Шарх» ўттиз фаслдан иборат. Мавлоно Абулгафур Лорий узр сўраб ёзадики: «Баён чўзилиб кетишидан хавотир олмаганимда эди, Хазрат Жомий кўрсатган кўпгина кароматларни келтирган бўлардим, лекин биз шу айтиб ўтилганлар билан чегараланамиз. Чунки китобнинг максади бошка, агар гапни чўзсак, максадга путур етади».

**Мир Алишер зикрида.**

Унинг тахаллуси – Навоийдир. Унгача хам, ундан кейин хам туркий тилда хеч ким унчалик кўп шеър битган эмас. У шеър илмининг устаси, унинг туркийча шеърларининг шухрати Мулло Жомийнинг форсча шеърлари  шухрати билан тенг. У форс тилида хам

кўп шеърлар ёзган. Форсча шеърларини Фоний тахаллуси билан битган. У Хожа Хофиз Шерозий девонига назира тарзида девон тузган. Хожа Хисрав Дехлавийдан кейин «Яхшилар дарёси» («Дарёи аброр») касидасига хеч ким Мир Алишер Навоийчалик жавоб ёзолмаган. Мана ундан бир байт:
Оташин лаълеки тожи хисравонро зевар аст
Ахгаре бахри хаёли хом пухтан дар сар аст.
Мазмуни:
Шохлар тожидаги оловранг лаъл тош,
Чўгдирки пиширар хом хаёлин бош.
Хазрат Махдум – инсониятнинг ифтихори Мавлоно Абдурахмон Жомий хаж сафаридан кайтганларида Алишер Навоий уларга мана бундай рубоий ёзиб жўнатган:
Инсоф бидех, эй фалаки минофом,
То з-ин ду кадом хубтар кард хиром:
Хуршеди жахонтоби ту аз матлаъи субх
Ё мохи жахонгарди ман аз жониби Шом?
Мазмуни:
Инсоф билан айтгил, ложуверд фалак,
Кай бири хушхиром мисли капалак:
Куёшингми хар тонг сафарга чикар,
Шомдан кайтаётган мохимми малак?
Унинг учта туркий-ўзбекча , битта  форсча девони бор, у «Тазкират ул-авлиё» ни туркийча битган, «Хамса»ни туркийча назм килган. Булардан ташкари, унинг жуда кўп асарлари мавжуд, битта девондан ташкари барчаси туркий тилда ёзилган.
Унинг келиб чикиши бахшиларга бориб такалади. Отасини «Кичкина бахши»  дейишган, у саройда амалдор бўлган. Мир Алишер болаликдан Султон Хусайн мирзо билан дўстлашган. Султон Хусайн мирзо подшох бўлгач, Алишер Навоий унинг хизматига келган, мирзо уни бехад кадрлаб, гамхўрликлар кўрсатган, Мир Алишер эса халкка худди шундай гамхўрлик килган.
Шундай килиб, ўша замонда халкнинг турли тоифалари ичидан фозил, беназир инсонлар чиккани унинг саъй-харакатлари туфайлидир. У Мир сифатида шундай жидду жахд кўрсатдики, натижада катта бойлик тўпланди, дехкончиликдан ва бошка тарафлардан тушган кунлик даромад ўн саккиз минг шохрухийни ташкил этган. Ўз амирлик мансабининг барча жихатларини – хизматкорларни, мулозимларни, хазинани, сайисхонани, подшохлик иморатларини у Султон Хусайн мирзонинг ноиби амир Бобо Алига топширган, бу ўша даврнинг энг буюк сипохларидан эди. Мир Алишер амалдорлик ишларини йигиштириб кўйиб, бошка амалдорлар ва мулозимлар билан бир каторда ўзини Султон Хусайн мирзо хизматига багишлади. У кудрати етганча унга ёрдам сўраб мурожаат килган мухтожларга, олиму фозилларга хомийлик килди. Ўз мулкидан тушган барча даромадни эл-юрт  фаровонлиги учун хайрия ишларига сарфлади. У хонаколар, масжидлар ва бошка иморатлар курдирдики, уларнинг кўпчилиги то хозирги кунгача Хуросонда сакланган. Эхтимол, шунча кўп курилишларни амалга ошириш бошка бировнинг кўлидан келмаган бўларди. Ўша пайтда Мир Алишер хомийлик килмаган бирорта олиму фозил киши йўк эди. У бехад зукко ва заковатли киши эди. У бошкаларда хам худди шундай фазилатлар бўлишини хохлар, бунга эришиш кийин бўлар, шундан одамларда гинахонликлар содир бўларди. Унинг нозиктаъблиги ва тез ранжиб колиш хусусиятидан бошка камчиликларини топишолмаган. Гарчи у фозил ва бехад давлатманд

киши бўлса-да, бутун кимматли хаётини нафсини тийиш ва хайрли ишлар билан ўтказди.
Байт:
Теран денгизлардан гавхар-дур унар,
Инсонга кераги –яхши бир хунар.
Демак, Мир Алишернинг битта камчилиги, яъни нозикмижозлигидан ўзгаси бутунлай фазилат эди.

**Шайхим Ахмад зикри.** Тахаллуси Сухайлий бўлиб, у хам Султон Хусайн мирзонинг амирларидан эди, яхши шеърлар ёзган, «Хамса»га назира битган.
Хусайн Али Жалойир зикри. Тахаллуси Туфайлий бўлиб, Султон Хусайн мирзонинг ноибларидан бири, бир муддат парвоначи бўлган. Касида битишда мислсиз эди, истеъдодда у Салмон Соважий ва Захир Кирмонийдан ўзиб кетди. Унинг «шикаст» (синди) радифли касидаси бор, эхтимол, хеч бир шоир шу радиф билан бундай хажмдаги касидани ёзмаган бўлса керак. Куйида шу касидадан бир неча байт келтирамиз:
Нахли каддат жилва кард кадри санубар шикаст,
Лаъли лабат ханда зад кимати гавхар шикаст.
Пистаи ту гунчаро хун ба дарун зад гирех,
Гунчаи ту пистаро ханда ба лаб даршикаст.
Навхаи кумри чарост гар на зи ёди кадат?
Сарсари охам ба бог комати ар-ар шикаст.
Хомии амну амон шох Бадеуззамон
Онки ба бозум адл пушти ситамгар шикаст.
Таржимаси:
Нихол каддинг жилва килиб кадри синди санавбарнинг,
Лаъли лабинг ханда килиб киммати синди гавхарнинг.
Сенинг пистанг тўлгонтирар гунчани ичма-ич эзиб,
Сенинг гунчанг писталардан махв этгуси кулгиларнинг.
Кўзларингнинг корачиги бузди эл хонумонини,
Даф бўлди яъжуж фитнаси, садди синди Искандарнинг.
Кумрининг оху вохи хам сенинг кадинг туфайлидир,
Кучли охим куюнидан шохлари синди аръарнинг.
Доруломонлик хомийси шохи Бадиуззамон,
Унинг адли кудратидан кўли синди ситамгарнинг.
Хусайн Али Жалойир ушбу касидани бошдан оёк шу тарзда ёзган.
Осафий – вазирнинг ўгли бўлиб, яхши шеърлари бор, бу матлаъ унинг иктидорининг мевасидир:
Ракиблар куйида ойимни мен кандай сўроглайман?
Кириб у кофиристонга ўзим багримни доглайман.
Охий – унинг шеърлари нихоятда чиройли ва силликдир. Айтишларича, улар услубан Мир Шохий шеърларини эслатади. У жуда яхши девон тартиб берган. Шеърларидан намуна байт:
Фахр этарман кўзларим-ла: у юзинг кўрган сени,
Оёгимдан айланай ёнингга етказган мени.
Хилолий. Шеър фанида устоздир. Унинг яхши шеърлари бор. «Шоху дарвеш» достони

унга тегишли. Унинг девони хам машхурдир. Жумладан ушбу матлаъни кайд этамиз:
Ой фалак зулмидан букилганми ё?
Ойдан бирор парча юлинганми ё?
**Биноий – у олим ва етук шоир бўлган.** У ва Мир Алишер ўрталарида мудом бахс, келишмовчиликлар бўлиб турарди, улар ўртасидаги мутойибалар, фикрий жанглар жуда машхурдир. Мана улардан айримлари:
Мир Алишер Мавлоно Сохибнинг бир матлаъсини сотиб олиб, уни нихоясига етказган. Мана ўша матлаъ:
Кўкрагимдур субхнинг пироханидин чокрок
Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок
Яна бир матлаъ Мавлоно Лутфийникидир. Мир Алишергача бирорта шоирда шеърни давом эттириб нихоясига етказиш кобилияти бўлмаган. Мир Алишерга бу матлаъ хуш ёкиб, уни охирига етказган. Мана ўша матлаъ:
Бошимиздин сояси сарви кадинг кам бўлмасун,
Зоти покинг бўлмаса, оламу одам бўлмасун.
Биноий Мир Алишерга нисбатан ўткир хазил, киноялар киларди. Шунда Навоий хам унга хазил тарикасида: «Мавлоно Биноий жинни бўлиб колган, уни «Доруш-шифо» сихатхонасига ёткизиб, калтаклаш ва нўхат шўрва бериш керак» деган. Шу сабаб бўлиб Биноий Ирокка кочиб кетган. У Ирокда Султон Яъкуб хомийлигида бўлди, аммо бироз вакт ўтгач, у яна Хиротга кайтиб келди.
Мир Алишер одам юбориб, уни олиб келтиради, мулойим, дўстона муомала килади, уни иззат-икрому совгалар билан кутиб олади, ўтган гаплар учун узр сўрайди. Биноий хам ўз кинoялари учун узр сўрайди, шу билан уларнинг муносабатлари яхшиланади.
Дўстона сухбатлашиб ўтиришганда Навоий «Ирок кандай жой экан?» деб сўрайди, шунда Биноий: «Ирокликларнинг бир иши менга маъкул бўлди – улар умуман туркийча шеър айтишмас экан» деб жавоб беради. Мир Алишер: «Халиям хушёр тортмабсан! Дўстлик ва хамжихатлик хурмати бундай тиканакли сўзларингни бас кил-да, хакикат юзасидан айт-чи, девонимдаги газалларда энг яхши матлаъ кайси?» деб сўраган. Биноий жавоб берган: «Мана бу матлаъ халкка хаммадан кўра макбулдир» деб:
Кўкрагимдур субхнинг пироханидин чокрок
Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок –
байтини айтган. Мир Алишер: «Сен ажаб тили аччик одамсан, ўзинг биласанки, мен бу матлаъни Мавлоно Сохибдан сотиб олиб, давом этттирганман, сен шунинг учун атайлаб киноя килиб шу матлаъни мактаяпсан» деган. Биноий эса:
– Сизга киноя килишга менинг хаддим сигадими? Бу матлаъ сизники эмаслигини билмаган эдим. Сизнинг яхши шеърларингиз кўп, мана масалан, мана бу матлаъ унисидан хам яхши:
Бошимиздин сояи сарви кадинг кам бўлмасун,
Зоти покинг бўлмаса оламу одам бўлмасун.
Мир Алишер: «Ха, бу матлаъ Мавлоно Лутфийники бўлганидан ундан яхширокдир. Сен хеч качон киноянгни бас килмас экансан» деб, улар яна аразлашиб ажрашишди.
Сайфий масалчиликда машхурдир, бу сохада Тусийга таклид килган, лекин ундан кўра яхширок ёзган. У олим ва фозил киши бўлган, унинг девони халк орасида шухрат топган. Унинг шеърларидан намуналар:
Эй туро чун дили ушшоки паришон кокул,
Коматат фитнау сарфитнаи даврон кокул.

Хамчу дудестки бар гирди сари шамъ бувад.
Халка-халка ба сари он мохи тобон кокул.
Таржимаси:
Мафтунларинг кўнгли каби кўп паришон кокилинг,
Фитна-каддинг, фитнабоши ушбу даврон кокилинг.
Шам бошини коплагандай коп-кора дуди унинг
Балкиган ойдай юзингда зулматистон кокилинг.
У хунармандлар хакида шеърлар ёзган ва уларга «Бадойи» («Нодир шеърлар») деб ном берган. Мана улардан намуналар:
Чу ишки каллапаз дар гардан афтод,
Дило, хуш бош нон дар равган афтод.
Бути пардозгарам кў ба касон менозад,
Хеч ба холи мани хаста намепардозад.
Таржимаси:
Каллапаз ишки тушди бўйингинам – бошвокка,
Яйрагил, кўнглим, тушди ахир нонгинанг ёкка.
Пардозчи санам доим ўзгалар хизматида,
Мен шўрликни безамас бўлсам эл иззатида…
Булардан ташкари яна кўплаб девонлар колдирган ва халк орасида машхур шоирлар хам бор. Улар жумласига Ахлий, Наргисий, Хажрий, Мир Мухаммад Солих, Шахидий, Шухудий, Гулханий, Гулшаний, Паёмий, Хожа Абул Барака, тахаллуси Фирокий, Хайдар Калича ва бошкалар киради.
Улардан муаммо ёзувчилар. Тилга олинган улуг олиму фозиллардан кўплари яхши муаммолар битишган. Биз бу ерда факат муаммогўй сифатида шухрат козонганлари хакидагина тўхталамиз, гарчи улар бошка фазилатларга хам эга бўлишса-да, муаммо ёзиш кобилиятлари хаммасидан ошиб тушган. Амир Хусайн Муаммоий муаммогўйликда мислсиздир. У муаммога багишлаб ажойиб рисола яратган. Мана бу Сухроб номига битилган рисоладан олинган муаммо:
Ёфтам аз дари майхонаи тарсо шарафе,
Хосило, мадраса акнун тарафе, мо тарафе.
Мазмуни:
Мен мажусий майхонаси эшигида топдим шараф,
Энди мадраса бир тараф, мен толиби илм бир тараф.
Мавлоно Мухаммад Бадахший Муаммоий, Мавлоно Камол Муаммоий, Мавлоно Шихоб Муаммоий, булардан ташкари яна кўплаб бу санъат намояндалари машхурки, уларнинг барчаси хакида тўхташ максадимизга кирмайди.
Улардан хаттотлар. Ўша замонда кенг таркалган настаълик хати унгача ишлатилмаган. Унинг ихтирочиси Мир Али Табризий Амир Темур замонида яшаган. Унинг шогирди – Мавлоно Жаъфар. Гарчи Мавлоно Жаъфар барча хат турларида яхши ёза олган ва хамма хат турлари бўйича устоз бўлса-да, унинг шогирдлари орасида фарк бор. Масалан, сулс, насх, рикоъ, мухаккак ва райхоний хатлари бўйича унинг шогирди Мавлоно Абдуллох ошпаздир. Хофиз Фўта, Мавлоно Махмуд Котиби Самаркандий ва бошкалар эса Мавлоно Абдуллохнинг шогирдларидир, барча кейинги хаттотлар шу гурухнинг шогирдларидир.
Худди шунингдек, Мир Абдулхай насхтаъликда – Мавлоно Жаъфарнинг шогирди, кўплаб настаъликда ёзган хаттотлар Абдулхайнинг шогирдларидир. Бирок Мавлоно

Азхар, Мавлоно Шайх Абдуллох Хоразмий ва Мавлоно Шайх Мухаммад хафинавис – булар хаммалари настаъликда Жаъфарнинг шогирдларидир. Мавлоно Жаъфар настаълик хатида унинг ихтирочиси Мир Али Табризийдан кўра яхширок ёзар, шунингдек, Мавлоно Азхар Мавлоно Жаъфардан кўра яхширок ёзарди. Мавлоно Жаъфар пухта, ёкимли ёзарди-ю, аммо хати нотекисрок чикарди.
Мавлоно Азхар эса хам нозик, хам аник, аммо бироз нотекис ёзарди.
Мавлоно Жаъфар Шохрух мирзо замонида яшаган, Шохрух мирзонинг ўгли Мирзо Бобур Каландарнинг отаси Бойсунгур мирзо кутубхонасида ишлаган одамлардан бири эди. Мавлоно Азхар Султон Абусаид мирзо кўрагоннинг мулозимларидан эди. Мавлоно Азхарнинг шогирдлари – Мавлоно Султон Али Машхадий, Шайх Пуроннинг набираларидан бири Шайх Боязид Пуроний, Мавлоно Султон Али Койинийдир. Мир Али Табризий ва Мавлоно Жаъфар ораларидаги нисбат хамда Мавлоно Азхар билан Мавлоно Жаъфар ўртасидаги нисбат хатто Мавлоно Азхар билан Мавлоно Султон Али Машхадийлар орасида хам сезиларли даражада мавжуд эди. Китъа ёзишда, майда ва йирик хатларда китоб кўчиришда, хатто настаъликда хам Мавлоно Султон Али Машхадий, шубхасиз, шундай истеъдодга эга эдики, унгача хам, ундан кейин хам, унга якин килиб хеч ким ёзолмаган. Барча турдаги хатларни сифатли ва нафис битишда беназир эди. У хаттотлик санъатини нозик дид ва нафосат билан эгаллаган эдики, бунакаси хеч кимга насиб этмаган. У хаттотлик илми хакида рисола ёзиб, унда куйидаги фикрларни айтган эди: «Хаттотлик бўйича машкларимнинг дастлабки даврида мен Тусдаги хазрати Имом Али Мусо Ризо (Тангри ундан рози бўлсин)нинг мукаддас зиёратгохларида яшардим, бир куни туш кўрсам, такводорлар пешвоси, икки олам сарвари расулининг халифаси, Аллохнинг шери Хазрат Али ибн Абу Толиб (Аллох унинг юзини мунаввар килсин) кўлимга бир калам тутказди, уйгониб кетдим ва шу билан пешонамга хаттотлик кисмати ёзилди».
Мавлоно хаттотликни эндигина машк кила бошлаганда у хатга ўзига хос шакл берарди, бу халкка ёкарди-ю, аммо котиблар уни писанд килишмасди. Мавлоно Жаъфар «Хамса»ни кўчиришни бошлади-ю, бирок охирига етказолмади. Султон Абусаид мирзо: «Шу ишни нихоясига етказадиган бирор кимса борми?» деб сўради. Мавлоно Султон Али халк орасида машхур бўлгани сабабли Абусаид мирзога, хозир бир ёш хаттот пайдо бўлган, ўша бу улкан ишни охирига етказиши мумкин, дейишди. Мавлоно Султон Алини бошлаб келиб, Мавлоно Жаъфар ёзган кисмни кўрсатишди, Мавлоно Султон Али бу ишга дархол рози бўлди. Бир кисмини кўчириб олиб келди. Мавлоно Азхар уйида эди, аввал унинг олдига бошлаб боришди. Унинг аччиги келди: «Сен Мавлоно Жаъфарнинг «Хамса»сини шу тахлит охирига етказдингми?» деб Мавлоно Султон Алини уйига олиб кириб, товонига хипчин билан уриб, икки кунгача камаб кўйди. Шундан сўнг камокдан чикариб унга: «Эй ўглим, сенинг кобилиятинг зўр экану, аммо услубинг кўлбола – бу настаълик услуби эмас» деди. У Мулло Султон Али Машхадийга бир китъа бериб, худди шу услубда ёзгин, деди.
Мулло Султон Али айтган эди: «Мен китъани олиб кетдим ва шунга караб машк кила бошладим. Кўп машклардан кейин, настаълик услуби кандай бўлишини билиб олдим, шу пайтгача менинг хатимда услуб деган нарса бўлмаган экан, услубсиз хатни, гапнинг рости, хат деб бўлмайди, энди эса ўз хатимнинг гўзаллиги, нафислиги, пухталиги ва тозалигидан фахрланаман». Хозирги пайтда Мулло Султон Али Машхадийдан шунчалик кўп мерос колганки, бунга ишонмасликнинг иложи йўк. Дунёнинг кўп мамлакатларида калам ахлларидан у кўчирган китъа ва китоблардан бирортасини билмайдигани кам

топилади, агар дунёдаги сарой кутубхоналарида Мулло Султон Али Машхадий кўчирган икки-учта китоб бўлмаса, уни кутубхона хисоблашмайди. Бу хайратга муносиб холатдир! Мулло Султон Али Машхадийнинг шогирдлари кўп бўлган, улардан бири Мавлоно Алоуддиндир. Мулло Алоуддиндан ўзга хеч ким айнан Мулло Султон Алидек ёзолмаган, айникса, ўшандай, китоб кўчиролмаган. Яна султон Мухаммад Хандон хам багоят малохатли килиб ёзган. Мавлоно Мухаммад Абришимий жуда нафис, аммо бироз синикрок ёзган. Мулло Зайниддин Махмуд, яъни Мулло Султон Алининг куёви хам шогирди бўлган. У китобларни жуда тез, дид билан кўчирган. Султон Мухаммад Нур, тез ёзса-да, сўзлар бўштоброк чикарди. Яна бир шогирди Каландар котиб эди. Мулло Султон Али Машхадий унга алохида эътибор кўрсатарди, чунки унинг хаёт тарзи устозга ёкарди. Унинг аник бир бошпанаси йўк эди, у на либос хакида, на пойафзал хакида кайгурмади, бутун хаётини дарвешона узлатда, хуш ахлоклик ва покликда кечирди. Унинг хати Султон Али Машхадийнинг тилга олинган шогирдлариникидан ночоррок эди. Тагин бир гурух хаттотлар борки, улар хам шу жамоанинг шогирдларидир. Чунончи, Мавлоно Косим Али – Мавлоно Мухаммад Абришимийнинг шогирди. Унинг калами ўткир, дид, нафислик ва пухталикда хати шу жамоага мансуб хаттотларникидан ажралиб турарди, у буларнинг кўпчилигидан яхширок ёзарди. Камина хам унинг шогирди, бу хакда кейинрок баён килинади. Яна бири Косим Шодишох – Султон Мухаммад Хандоннинг шогирди, чиройли ёзади. Зайниддин Махмуднинг шогирди Мавлоно Мир Али тоза ва пухта ёзади. Унинг майда хати йирик хатидан кўра яхширок, китъа ёзишдан кўра китоб кўчириши яхширок. Йирик хат билан ёзганда ёзуви бир текис, гўзал чикмайди, майда хатида хам, йиригида хам хаттотларга хос нафосат сезилмайди, лекин хатининг пухталиги билан у хаммадан ўзиб кетиши аник.
Тилга олинган хаттотлар жамоаси шундай истеъдод эгаларики, бундайлари уларгача хам, улардан кейин хам бўлмаган.
Рассомлар хакида. Шох Музаффар – устод Мансурнинг ўгли. Султон Абусаид мирзо замонида устод Мансурдан зўр рассом бўлмаган. У мусаввирлар устози бўлган. Устод Мансурнинг мўйкалами нафис ва гўзал бўлган, Шох Музаффардан бошка хеч кимда бундай нафис, ингичкарок калам бўлмаган. Бирок ишлари бироз курукрок.
Жанг-жадал сахналарини у ўта ишонарли тасвирлар, бирок Шох Музаффар бундан-да ўзиб кетди. Унинг калами тасвири гоятда нафис, тоза, чиройли ва дадил эдики, кўз камашарди. У йигирма тўрт ёшида оламдан ўтди, умри давомида еттита ёки саккизта тўпламга расм чизган. Унинг коралама суратлари одамлар кўлида сакланган. Шу соха устодлари уларни бехад кадрлашади.
Бехзод – тасвирий санъатда устод эди. Гарчи мўйкаламининг нозиклиги Шох Музаффарникичалик нафосатли бўлмаса-да, Бехзоднинг мўйкалами ўткиррок, режа ва тархи яхширок эди.
Ўтмишда Халоку хоконлари сулоласи (Ирок хукмдорлари даврида) Хожа Абдулхай деган мусаввир ўтган. Шу санъат сохибларининг фикрларига кўра, авлиё одам бўлган. Умрининг охирида у тавба килиб, ўз ишларини каерда кўрса, хамма жойда ё ювиб ташлаган ёки ёкиб юборган, шунинг учун асарлари кам колган. Ишининг тозалиги, нафислиги, пухталиги, шунингдек тасвирий санъат нозикликлари бўйича унга тенг келадиган бўлмаган. Хожа Абдулхайдан кейин Шох Музаффар ва Бехзод келади, улардан сўнг бундай мусаввирлар ортик чикмади. Кейинги иккитасини Мир Алишер тарбият килган.
Косим Али Чехракушой – Бехзоднинг шогирди. Унинг чизган асарлари Бехзодникига

якин, ўша услубда яратилган. Катта тажрибага эга одам Косим Алининг ишлари Бехзодникига нисбатан яхширок эканлигини сезади, бирок унинг тарх-аслиятлари Бехзодникига нисбатан пастрокдир.
Максуд – уни иккинчи Косим Али деса бўлади. У хам Бехзоднинг шогирдларидандир. Унинг калами Косим Алиникидан хеч кам эмас. Бирок тарх аслиятини яратиш ва расмлар микдорида у Косим Алидан кейин туради.
Мавлоно Мирак Наккош. У ўз замонасининг ажиб нодир сиймоларидан бўлиб, Бехзоднинг устозидир. Унинг аслу тархлари Бехзодникидан пишикрокдир. Тархни жонлантириш сифати ва расмлар микдорига кўра у Бехзодча эмас. Лекин у расм чизишда Бехзод каби хужра, дастгох, когозга богланиб колмас, балки аксари ташкарида очик хавода, сафарларда, Хусайн мирзонинг ховлисида, дуч келган жойда расмларни койилмаком чизаверар эди. Яна ажабланарли хусусиятларидан иккитаси: кураш тушувчи полвон ва асбоб-ускуна ясайдиган темирчи хам эди. Ушбу ишлар билан наккошлик ва рассомлик хунарини бирга олиб бора олгани янада гаройибдир.
Устод Бобо Хожи – у мохир расмкалам сохиби, аммо суратларининг асоси мутаносиб эмас. Бутун Хуросонда меъморчиликда, расм чизиш, бурчаклар ўлчовини олишда у ягона бўлган. Айтишларича, бир куни у бир йигинда намуна учун элликта айлана чизган, паргар (циркул) билан текшириб кўришган, фарк бўлмаган. Бирорта айлана бошкасига нисбатан катта хам, кичик хам бўлмаган.
Устод Шайх Ахмад – Бобо хожининг иниси. Мавлоно Жунайд, устод Хисомиддин – килич ясовчилар бўлишган, Мавлоно Вали – хаммалари мохир усталар бўлишган, бир-биридан хеч колишмаган.
Мулло Юсуф – Бехзоднинг шогирди, кўли чаккон бўлган, бошкалар бир ойда бажарган ишни ўн кунда бажарган, бирок нафисликда унинг чизган суратлари бошкаларники билан беллаша олмайди. Китобларни зархаллашда у расм чизишга нисбатан мохиррок.
Мавлоно Дарвеш Мухаммад – мен факир банданинг устози, Шох Музаффарнинг шогирди. Ишларининг нафислиги билан унга тенг келадигани йўк. Бу сохада хатто Шох Музаффардан хам ўзиб кетган, аммо унда у даражадаги мутаносиблик, махорат ва гўзаллик йўк. Жанг-жадал сахналари тасвири унда пишик-пухта эмас. У найзаси учида шерни тутиб турган отликни шундай кичкина килиб чизганки, шунинг хаммасини битта гуруч билан бекитиб кўйса бўлади.
Тасвирий санъат намояндалари кўп, аммо бу ерда шу гурухнинг устозлари ва мумтозларини тилга олдик, холос.
Музаххиблар - китобга накш солувчилар ва зархал берувчилар. Мулло Ёрий – зархалчи уста, аммо хати зархалидан кўра яхширок. У Мулло Валининг шогирди, аммо ундан илгарилаб кетди. Мавлоно Махмуд Ёрийга нисбатан яхширок зархал берар, бу ишни у махорат билан бажарарди. У Султон Хусайн учун китобининг дебочаси – зарварагини безатишни бошлади-ю аммо бу иш тугамай колди. Бу асар устида етти йил ишлади, шу даражада мохирлик билан бажардики, яримта нўхат хажмича келадиган румий халкаларнинг улашган жойларига олтин рангидаги янги ой шаклларини кўйиб чикди, улар ислимий услубидаги элликта варак эди, буларнинг барчасини у шустмон бўёгида бажарди. Ўша даврда музаххиблар кўп эди, аммо тилга олинган мана шу икки киши энг мохирлари эди.
Фазл ва хунар ахлларини Хуросон бўйлаб аниклаш, топиш ва ишга жалб этиб тарбиялашда Мир Алишернинг саъй-харакатлари мислсиздир.
Ашулачилар хакида. Хофиз Басир. Унгача бунака машхур кўшикчи бўлмаган, бу фикрга

хамма кўшилади. Айтишларича, бир куни бахор фаслида у богда кўшик айтганда, булбулу кумрилар, каптар, саъва ва бошка хар хил кушлар ром бўлиб унинг атрофига йигилиб, бошига ва кифтига кўниб олишган экан.
Хофиз Хасан Али – унинг шогирди, овози баланд эди, у шаклан мураккаб хамда чукур мазмунли ашулаларни бехад майин куйларди.
Хофиз Жомий – яхши охангда, паст овозда, Хофиз Алига нисбатан жўнрок куйларди.
Хожа Абдуллох Марворид – табаррук наслига кўра у «Тазкираи маволи» («Буюк олимлар тазкираси»)да тилга олинган; шеърларига кўра Хилолий, Ахлий билан бир каторда турса, таълик хати бўйича Мир Хаё ва Мулло Дарвешдан олдинда туради, насхтаълик бўйича эса Султон Мухаммад Нурдан кейин туради – ушбу санъат турларида у бехад мохир бўлмаса-да, аммо конун чалишда тенгсиз эди. У кичикрок сурнайни ихтиро килганди. Илгари бошка мусика асбоблари бўлганда конунга унчалик эътибор килишмаган, негаки конун у кадар хушоханг соз бўлмаган. Хожа Абдуллох шу даражада кайта созладики, Хожа Абдуллохнинг конунини чалишганда, одамлар бошка мусика асбобларини хохламай колишди. Бу санъат турида у мохир бўлганлиги боис фазилатлари ичида бу асосийси эди, демак шубхасиз, у шу гурух ичида биринчиси эди.
Устод Саид Ахмад Гижжакий ва Мазхари Удий – гижжак ва уд чалишнинг мислсиз усталари эди. Аммо Устод Кулмухаммад ўша мусика асбобларининг хар бирини чалишда икковидан хам ўзиб кетди. Унинг жозибали мусикий пешравлари бор.
Устод Хайдаршох Балабоний – ўз касбида тенгсиздир, балабон (арфа) чалишда унга тенг келадиган киши бўлмаган.
Яна бири – Устод Шайх Нойи – хамма мусика асбобларини хамма устозлардан хам яхширок чаларди, аммо най чалиш асосий машгулоти бўлганлигидан у шу сохада шухрат козонди.
Ўша даврдаги илм, санъат, хунар ахли орасида буюклари, мислсиз вакиллари кўп эди, аммо хаммаси хакида хикоя килиш кийин. Ўша пайтда Хуросонда етишиб чиккан, илм-фан, санъат намояндаларининг барчаси Мир Алишер Навоий гамхўрлиги ва тарбияси туфайли камолотга эришганлар.
Хикоянинг хотимасига кайтиш.
Бу мукаддимадан максад ва ушбу ёзувлардан ният – отам (Аллох унинг юзини ёритсин) Хуросонга борган пайтда умуман Хуросоннинг буюклиги, ободонлиги ва гўзаллиги, хусусан Хирот ва ахолисининг шухрати шу даражада эдики, булар хакида кискача тўхталиб ўтдик, шуларни таъкидлашдир. Султон Хусайн мирзонинг илгари улуг, кудратли оталарига тобе бўлишни истамай ок ва осий бўлган ўгиллари, бу пайтга келиб, тавба килишиб, унинг пойини ўпишга муяссар бўлиб, хар бирлари Султон Хусайн мирзо тахтиравонини итоат елкаларига кўйиб, эхтиром кўли билан кўтаришди ва улар ўртасида батамом иттифоклик юзага келди.
Отам Хиротга етиб келганда, истикболига одамлар чикиб, уни иззат-икром билан кутиб олишди, муносиб ердан жой бериб, барча зарур нарсаларни мухайё килишди. Шохрух мирзонинг амирларидан бўлмиш Мухаммад Бурундук барлос бор эди. Ўша пайтда мўгул ва чигатой улусида машхурлиги, ёши, унвони, аслзодалиги, фикрлаш тарзи, зийраклиги, эгаллаган мансаби жихатидан ундан обрўлирок киши йўк эди. Ана шу амир Мухаммад Бурундук барлос тўра таомилига кўра отамга илтифот ва такаллуфлар кўрсатиб, Султон Хусайн мирзо кошига олиб кирди. Отам хам унга кутганидек жавоб килди. Султон Хусайн мирзо хам отамга эътибор кўрсатди. Унга ўз ўгилларидан, хатто энг хурматли, энг азиз тўнгич ўгли Бадиуззамондан хам ортикрок эътибор килиб, улардан юкорига ўтказди.

Отам жаннатни эслатувчи бу шахарда иззат-икром куршовида рохат-фарогатда яшади. Султон Хусайн мирзо гўё отамни шу ерда колишини хохлаб, уни невараларидан бирига унаштириб кўйди. Султон Хусайн кариб, ёши бир жойга бориб колган, фалаж ва бўгимлар огригидан азоб чекар, унинг ўгилларида отасининг ўрнини эгаллаб, Шохибекхонга карши кураша оладиган журъат етишмасди. Отамнинг бу ерда колиш режаси бўлмаса-да, Мирзо таклиф килган никохга рози бўлди.
Бу орада, юкорида эслатилганидек, Мўгулистондан Самаркандга Шохибекхон хузурига илтимос билан Шохбегим келди. Шохибекхон Султон Хусайн мирзога тобе Хоразмни эгаллаш учун кўшин тортишга катъий карор килди. Шохибекхоннинг ишораси билан отам Хуросонга кочиб келди. Султон Саидхон – Мўгулистонга кочиб кетди, Шохибекхон колган кўпчилик мўгул улугларини абадиятга жўнатди. Баъзиларини коронгу зиндонга ташлади, баъзиларини кишанлади, Шохбегимни Мовароуннахрдан Хуросонга сургун килди. Колган мўгулларни ўзи билан бирга Хоразмга олиб кетди.
Юнусхоннинг фарзандлари саноги хакида гапирилганда, тўнгич фарзанди Мехр Нигор хоним эканлигини, уни Самарканд хукмдори Султон Ахмад мирзога никохлаб берилганини айтиб ўтган эдик. Шохибекхон Султон Али мирзони тутиб ўлдириб, Самаркандни кўлга олгач, ўша галабага эришган кунларда Мехр Нигор хонимни ўз никохига олган эди. У охирги марта Самаркандга хужум килганда Бобур Подшох билан сулх тузишди, у Хонзода бегимни ўзига талаб килади. Бобур Подшох ўз хаёти эвазига опаси Хонзода бегимни Шохибекхонга бериб, сог-саломат чикиб кетди, бу хакда юкорида ёзган эдик. Мехр Нигор хоним Хонзода бегимнинг холаси бўлганлиги учун бир вактда иккови билан яшаш нокулай бўлганлигидан Шохибекхон Мехр Нигор хонимни талок килиб, Хонзода бегимни никохига олди. Шохбегимни Хуросонга жўнатишаётганда Мехр Нигор хоним Самаркандда эди, у хам ўгай онаси ёнига йўлдош бўлиб кўшилди. Отам Шахрисабздан кочганда бир холаси бошка оила аъзолари билан Шахрисабзда колган эди. У укам Мухаммад Шохни ўзи билан олиб, Шохбегим ва Мехр Нигор хоним хамрохлигида Хуросонга келди. Отам буларнинг келишларидан олдин муборак  Хижоз (мукаддас хаж) сафарини кўнглига тугиб ўтирган эди, аммо булар келишгач, багрикенглик коидасига мувофик, уларни мусофир юртда ёлгиз ташлаб кетолмади. Уларни Кобулга олиб боришга карор килади, чунки Кобулда Бобур Подшох бор эди, бу хакда тўхталиб ўтдик. Шохбегим Бобур Подшохнинг онасига ўгай она эди. Холаси Мехр Нигор хоним эди. Шу ният билан отам Султон Хусайн мирзодан рухсат олиб, Кобулга жўнади. Кобулга етиб бормасимиздан бир неча кун олдин Бобур Подшохнинг онаси Кутлуг Нигор хоним вафот этган эди.
Бобур Подшох буларни мотам либосида кутиб олди. Буларга иззат-икром, катта хурмат-эътибор кўрсатди, иложи борича хотиржамлигини саклашга харакат килди. Анча муддат уларнинг хаётлари тинчлик, осойишталикда кечди. Орадан кўп вакт ўтмасдан Султон Хусайн мирзо оламдан ўтди, деган хабар келди.
Хуросондаги вазият мана бундай эди: Бадиуззамон мирзо  тўра таомилига кўра отасининг тахтига ўтириши керак эди. Султон Хусайн мирзонинг суюкли хотини Хадича бегим фитна-фасодчиларнинг сардафтари бўлиб, ўгли Музаффар мирзонинг салтанат ишида Бадиуззамон мирзога шерик бўлиши учун харакат килди. Гарчи ўша пайтда доно одамлар хам мавжуд бўлишса-да, улар Куръони каримнинг: «Ягона Аллохдан ташкари яна Худолар бўлганда эди, улар сўзсиз халок бўлишарди» (21.22) ояти мазмунини унутиб, Хадича бегим фикрига рози бўлишди, шубхасиз, бу билан иш ўнгланмади.
Бу пайтда Жахонгир мирзо Газнида эди. Ўз вилоятининг танглигидан Хуросонга жўнади

ва Бобур Подшохга хат ёзди: «Шу кунларда Султон Хусайн мирзо дорулфанодан дорулбакога рихлат килди. Ўйлашимча, шундай пайтда Султон Хусайн мирзонинг ўгилларига ёрдам бериш учун улар билан бирлашмок керак, эхтимол, ўшанда барча ишлар изга тушган бўларди». Ушбу мактуб Бобур Подшох кўлига етиб боргач, у ўша захотиёк йўлга тушишга карор килди, ўйладики, агар у Жахонгир мирзога йўлдаёк етиб олса, уни оркага кайтаради, борди-ю, етолмаса, укасининг изидан Хуросонга йўл олади. Жахонгир мирзо кўнглида тугилган фикр хакикатга якиндир. Бобур Подшохнинг жўнаши аник бўлгач, у отамнинг уйига келиб, Кобулдаги хукумат ишларига бош-кош бўлиб, оиласига хам караб туришини илтимос килди. Лекин отам бунга рози бўлмади, узр сўраб: «Мен хажга боришга ахд килган эдим. Агар бу ишни бўйнимга олсам, ўша ахдим бузилади. Амирлар орасида мўътабар зотлар кўп.  Бу ишни ўшалар ўз бўйинларига олишса бўлади. Агар менга бирор иш юклашса, хеч бир бўйин товламай имконим борича бажаришга харакат киламан», деди.
Бобур Подшох Низомиддин Али Халифани, Мавлоно Бобои Пашогарийни, амир Ахмад Косим кўхбурни ва бир неча бошка етакчи мулозимларини чакириб: «Мен сизларга ишониб кетяпман, мана амирлар барча ишларни бажаришади», деди-да, шунга ўхшаш бир канча бошка топширикларни бериб, Хуросонга кетди.

давоми бор